Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 196 (20. 463) • 1989 йил 26 август, шанба • Баҳоси 3 тийин.





ҒАЛЛАЗОРДА ИШ ҚИЗҒИН

Шу кунларда республикамизнинг барча ғаллакор хўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг сўнгги бошоқларини йиғиштириб олмоқдалар. Бу йилги шароитда ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилган ғаллакорлар ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлдилар.

Сурхондарё область Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхози механизаторлари ҳам зафар манзилга етиб келишди. Улар 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан буғдой йиғиштириб олдилар. Илғор коллективлар ғалласи йиғиштириб олинган майдонларга пешма-пеш силос учун маккажўхори экишяпти.

Суратларда: (чапдан ўнгга) совхоз бош агрономи Бозор Холиқов, илғор механизатор Мирзақул Сафаров, ва комбайнчи Раҳим Рўзиев ҳамда ғалла ўрими пайти.

И. ХЎЖАЕВ суратлари (ЎзТАГ).

ДЕҲҚОН ОРОМГОҲИ

Бу шийпон 30 сотих келадиган боғнинг ўртасига жойлашган. Богдан оқаётган анҳор тепасига иккита катта сўри ўрнатилган. Анҳорнинг икки қирғоғига бундан олтмиш етти йил олдин яхши ният билан ўтказилган терак ва мажнунтоллар ўз жамолини кўз-кўз қилгандек. Бу ерда саратон пайтида ҳам тангадек жойга офтоб тушмайди. Одамлар ана шу сўрида ўтиришиб, ёқимли иштаҳа билан тамадди қилишмоқда.

Деҳқоннинг дастурхонига назар ташлаймиз. Шу ерда ёпилган иссиқ нон, бригада ёрдамчи хўжалигида етиштирилган тилими тилни ёрадиган қовун-тарвуз, помидор, бодринг. Деҳқонлар бир-икки пиёладан кўк чой ичганларидан сўнг мастава сузиб келинди.

— Ошпазимизнинг қўли дард кўрмасин. Ичган сайин ичгин келади-я! — деди уста сувчи, партия ветерани Қиргизбой бува Тоҳиров. — Баъзи шундай ўйлаб қоламан. Қани энди кечқурунги овқатни ҳам бригадамиз ошпази Инобатхон Турғунова қилиб берса...

Даврада енгил кулги кўтарилди.

— Меҳнатнинг нони ширин бўлади, — дея тенгдошининг гапини маъқуллади Абдуназар бува Мирзаев. — Таом ширинлигининг боиси бор. Ўтган йилдан бўён бизда тайёрланаётган иссиқ овқат текинга тушяпти. Негаки шу йил баҳорда 6 минг жўжани авайлаб парваришлаб, гўштга топширганлигимиз ҳисобига шунга эришдик.

— Ўзи иссиқ овқатнинг текинга тушиши, бунинг устига доимо гўштли бўлиши ўтган йилдан бўён фақат бизнинг бригадада ташкил этилди, шекилли, — деб суҳбатга аралашди бригада тракторчиси Турсунали Тоҳиров. — Чунки мен дам олиш кунлари районимизнинг бошқа хўжаликларига ўтганимда одамларнинг овқатланиши билан қизиқдим. Ҳали ҳам гўштсиз макарон шўрва, шовла.

Демак, деҳқонга шароит яратишда ҳам қайта қуриш керак экан-да. Айниқса, шу йилнинг март ойидан бошлаб ҳар якшанба дам олиш куни, деб эълон қилинганлиги одамларнинг кайфиятини кўтариб юборди.

Ана, кимдир тушликни тугатгач, Кундузхон Рўзиматова, Дилором Мамадалиева, Илҳомжон Абдуғафуровларни ўйинга тортди. Улар радио карнайдан таралаётган куй оҳангига мос рақсга тушишди.

... Бригада агитатори Худойберди Мамашокиров билан шийпон хоналарини айланиб чиқдик. Оммавий-сиёсий, болали аёллар, қизлар, эркаклар хоналари зарур жиҳозлар билан безатилган. Эркиной Ўринбоева, Мақсудахон Иброҳимова каби медицина ҳамширалари Инобатхон Ёқубова, Ҳамида Ғаниева каби мавсумий боғча тарбиячиларининг намунали хизматларидан бригада аъзолари хурсанд. Колхозчилар учун душ ишлаб турибди. Ошхона балонли газ билан таъминланган. Ёрдамчи хўжаликда эса 8 бош қўй парвариш қилинмоқда.

Суҳбатдошимнинг изоҳига кўра одамлар учун яратилган шарт-шароит маромини Фозилжон Иброҳимов бошлиқ бригада кенгаши аъзолари қатъий назорат қилиб боришар экан. Кенгашнинг 9 нафар аъзоси бўлиб, улар ҳар ойда йиғилиш ўтказиб коллективдаги ички меҳнат интизомини муҳокама қилишади, колхозчиларни мамлакатнинг турли шаҳарлардаги дам олиш уйларига йўлланмалар билан таъминлаш масалаларини ҳал этишади.

Деҳқоннинг дастурхони тўкин бўлса кайфияти хуш бўлади. Тўкинчилик боиси нимада? Заршунослар бунга ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш ҳисобига эришмоқдалар. Шу йилнинг ўзида 0,5 гектар майдонда етиштирилган эртаки редисканинг ўзидан 1200 сўм соф даромад олинди. Икки гектарда парвариш қилинган карамдан келган 20 минг сўм колхозчиларнинг чўнтагига келиб тушди. Шунингдек, 4 гектар майдондаги тарвуз, бир гектар ердаги ҳандалак, бир гектар ердаги сабзи-пиёз ва бошқа сабзавот экинларидан ҳам анчагина даромад олиш мўлжалланяпти. Бригада аъзолари бу йил ҳам маси бўлиб, ёрдамчи хўжаликдан 116 минг сўм олишни кўзлаб туришибди.

Шийпонда яқинда 80 ўринга мўлжалланган замонавий типдаги болалар боғчаси қурилиши бошлаб юборилди. Эркатойлар масканн колхознинг Муҳаммаджон Розиқов бошлиқ қурувчилар бригадаси томонидан жадал суръат билан барпо этилмоқда.

Одамлар ўзларига кўрсатиладиган ғамхўрликка унумли меҳнат билан жавоб беришмоқда. Улар бу йил 185 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта ҳосили етиштириш иштиёқида астойдил ишлашяпти. Ҳозир ҳар туп гўзада 10-12тадан бўлиқ кўсак бор. Заршуносларнинг бугунги ғайратшижоати мажбуриятига яраша ҳосил тўпланишидан далолат бериб турибди.

Ана шундай оромбахш ҳордиқ масканининг эгалари республикада ҳизмат кўрсатган пахтакор Фозилжон Иброҳимов бошлиқ бригадасида ишлайдилар. Улар «Правда» колхозининг Найнаво қишлоғида истиқомат қилишади.

Ҳ. РУСТАМОВ,
Андижон области.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

ТАШАББУСКОРЛАР

● **Ромитан районидаги Нариманов номли колхоз деҳқонлари бу йил етиштирилган пахта ҳосилининг саксон процентини «зангори кема»лар ёрдамида териб олишни кўзлашмоқда.**

Субҳон Рўзиев, Ҳикоят Ражабова, Исроил Шарипов Файзулла Лутфуллаев, Фармон Ҳамроев, Дониёр Ражабов, Мурод Нуров, Ҳасан Жўраевлар етакчилик қилаётган бригадалар пахтакорлари эса юз процент ҳосилни агрегатлар ёрдамида саранжомлаб олиш ташаббуси билан чиқдилар.

1410 гектар майдонда «Бухоро-6» навли гўза парваришлаётган хўжалик миришкорлари мавжуд пахта териш, кўрак чувиш, кўсак териш агрегатларини мавсумга тайёрлаб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйдилар.

Шу кунларда далаларда ҳосилга ҳосил қўшиш билан бир қаторда 1240 гектар майдондаги экинни ер усти аппаратлари билан дефолиация қилиш чора-тадбирлари кўриляпти.

Б. АЗИМОВ.

ПУХТА ЗАМИН

● **Паркент районида биринчилар қаторн ғалла ўрим-йиғимини тугаллаган «Коммунизм» совхози меҳнатчилари ҳосилдан бўшаган майдонларни барвақт шудгорлашни бошлаб юбордилар.**

Шу кунларда бошоқли дон экинлари етиштирилган 1325 гектар майдонни қисқа фурсатда шудгорлаб қўйиш учун ички резерв ва имкониятлар ишга солиняпти. Айниқса, техника қувватидан юқори унум билан фойдаланилаётир. Тўққизта ҳайдов трактори ҳаммаси бир маромда ишлатилмоқда. Механизаторларнинг ғайрат-шижоати туфайли шу кунгача совхоз бўйича 400 гектардан ортиқроқ ер сифатли ҳайдаб қўйилди.

А. ҚОРАБОЕВ.

ТАШАББУСГА КЕНГ ЙЎЛ

ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ ТАДБИР

«Коммунизм» колхози — Шовот районидаги йирик хўжаликлардан бири. Колхоз йил бошидан ижара пудрати асосида ишлаб келмоқда. Лекин ишсизлар ҳам анчагина. Нима қилиш керак? Хўжалик раҳбарларининг янгича фикрлаши туфайли бекор юрганларни иш билан таъминлаш чоралари кўрила бошланди.

РСФСРнинг Орёл области хўжаликлари билан тузилган дўстона ҳамкорлик бу йўлдаги биринчи қадам бўлди. Ҳамкорлик шартномаси натижасида кўпгина йигит-қизлар Орёл областида ишлаш учун жўнаб кетдилар. Ишчи кучи билан берилган ёрдам эвазига россиялик дўстлардан колхоз эҳтиёжига яраша картошка, ёғоч-тахта материаллари оладиган бўлди.

Колхоз раиси Э. Йўлдошев ташаббуси билан яна бир фойдали ишга қўл урилди. У Орёлга қилган сафарларининг бирида обком секретари қабулида йирик тикувчилик бирлашмасининг бош директори В. А. Скалаух билан танишиб қолди. Бирлашма учун ҳам, колхоз учун ҳам ниҳоятда фойдали битим тузишга муваффақ бўлинди. Маълум бўлишича, бирлашма катта иқтисодий қувватга эга, лекин ишчи кучлари етишмас экан. Колхозда эса юзлаб кишилар иш кидириб юришибди.

Келишилган шартномага кўра, бирлашма колхозда ўз филиалини очадиган, 500 кишини иш билан таъминлайдиган бўлди.

Яқинда бирлашма бош директори Хоразмга келди. У бўлғуси фабрика қурилиши қандай бораётганлигини кўздан кечирди. Колхозда корхона учун эски мактаб биноси капитал ремонт қилиниб, тўқув дастгоҳларини ўрнатиш бошлаб юборилганди. Яна бир янги цех қуриляпти.

100 дан зиёд ёшлар Орёлга — бош корхонага тўқув дастгоҳларини бошқариш сирларини ўрганиш учун юборилди. Йил охиригача яна 100 ишчи тайёрлаш кўзда тутиляпти.

Шуниси қизиқки, хом ашё бирлашманинг иссиқ кийим газмоллари цехидан тўппа-тўғри шу ерга етказиб берилади. Тайёр маҳсулотлар — пальто, костюм-шим, аёлларнинг иссиқ кийимларини Хоразмнинг ўзида савдога чиқариш мақсад қилиб қўйилган. Колхоз эса ўз фирма магазинини очиш тарафдори.

— Сифатга келсак, — дейди В. А. Скалаух, — бирлашма маркаси мамлакат, ҳатто чет эл бозорларида қадрланади. Шундай бўлгач, хоразмликлар ҳам бизнинг маҳсулотларимизни севиб ҳарид қилишларига ишончим комил.

Янги фабрика сентябрь ойида ўз маҳсулотларини харидорларга етказиб бера бошлайди.

Лекин... Колхоз шартномани Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги рухсатисиз бевосита бош корхона билан тузган. Колхоз раиси министрлик тадбирларимизни қўллаб-қувватламикан, дея ҳадиксирамоқда. Бизнингча, ҳадиксирашга асос йўқ. Меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий шароитини яхшилаш борасидаги бу тадбир таҳсинга лойиқ.

А. СОБИРОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Дунё овози

СОВЕТ РАҲБАРИ РИМ ПАПАСИГА МАКТУБ ЙЎЛЛАДИ

М. С. Горбачев папа Иоанн Павел II га мактуб йўлладн. Бу мактуб Рим папасининг Совет раҳбарига мурожаатномасига жавобдир. Мактубда ҳозирги замоннинг долзарб, туб масалалари: ядро уруши хавфини тугатиш, Ер юзида тинчлик ва адолатни мустаҳкамлаш, маданиятнинг энг муҳим қадриятларини ҳимоя қилиш масалалари хусусида гап боради; шу масалаларни ҳал этиш йўлларини излаш мақсадида кенг халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишнинг амалий имкониятлари таҳлил этилади.

Мактубда Совет—Ватикан алоқаларини янада ривожлантиришга тайёргарлик изҳор этилган. Мактубни СССР ташқи ишлар министрининг Ватиканга келган шахсий вакили Ю. Е. Карлов топширди.

Рим папаси билан бўлган суҳбат чоғида Ливандаги аҳвол тўғрисида Ливан танглигини шу мамлакатнинг суверенитети, бирлиги ва территориал бутунлигини сақлаб қолиш асосида тезроқ бартараф этиш йўлидаги тинчликсеварлик куч-ғайратларини фаоллаштириш зарурати нуқтаи назаридан фикрлашиб олинди.

ИЧИМЛИК СУВ МУАММОСИ

Ер юзи аҳолисини сув билан таъминлаш масалаларини ўрганаётган БМТ экспертларининг фикрича, «Ер юзи аҳли ташна бўлиб турибди». БМТ қароргоҳида тарқатилган ҳужжатларда таъкидланишича, Осиёдаги Химолай тоғларидан тортиб, Африканинг чўл-биёбонларигача янги сув манбаларн қидирилмоқда, бу иш билан неча ўн миллион киши банддир. Аммо бу одамлар топган сув кўпинча ичишга ярамайди. Аммо ҳатто шундай сув ҳам баъзан етишмай турибди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, одамнинг асосий эҳтиёжларини, таъминлаш учун киши бошига ҳар куни таҳминан 20—50 литр сув керак. Сўнгги йилларда жаҳонда Ер юзидаги ҳар бир одам шунча миқдорда сув олиши учун анча ишлар қилинди. Аммо Ер юзи аҳолисини соғлиқ учун хавфсиз бўлган сув билан таъминлаш масаласидек мақсадга ҳали ҳам эришилмади. Масалан, ривожланаётган мамлакатлардаги шаҳарларда аҳолининг тахминан 25 процентига ичимлик сув етишмай турибди. Бунинг устига, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра 1975 йилдан 1985 йилгача бўлган даврда ичимлик сувга мухтож бўлиб турган, ҳам хўжалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган сув етишмаётган шаҳарликлар сони бутун жаҳон бўйича юз миллион киши кўпайди. Бу одамлар ҳар куни жуда ифлос манбалардаги сувлардан фойдаланмоқдалар. Оқибатда уларнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда, кишилар тез-тез ичак касалликларига чалинмоқдалар. Ҳозир ана шу касалликдан Ер юзида ҳар 20 секундда бир бола нобуд бўлмоқда. БМТ ҳужжатларидаги маълум бўлишича, тоза ва ичишга яроқли сув ўлимни камайтириш учун курашнинг негизидир.

Американинг асосий иллати

ВАШИНГТОН. Сизнингча, ҳозир Қўшма Штатлар олдида турган асосий муаммолар нималардан иборат! «Вашингтон пост» газетаси билан Эй-Би-Си телекомпанияси телефон орқали ўтказган сўнгги жамоатчилик фикри тадқиқоти давомида америкаликларга ана шундай савол берилди.

Савол берилган одамларнинг 44 процентн гиёҳвандликни биринчи ўринда турган миллий муаммо деб ҳисоблаётганлигини айтди. Негрлар орасида бу процент тағин ҳам кўпроқ: қора танли америкаликларнинг ҳар ўн нафаридан еттитаси банг савдоси ва уни истеъмол қилишни Американинг асосий иллати деб атади.

Мамлакатнинг энг жиддий муаммолари рўйхатида қашшоқлик, очлик ва уй-жой йўқлиги наркотиклардан кейин туради, савол берилган одамларнинг 8 процентн бу муаммоларни биринчи ўринга қўйди; 4 процентн федерал бюджетдаги камомад ва атроф-муҳитнинг бузилишини; 3 процентн ташқи сиёсат муаммоларини ва СПИД касаллигини биринчи ўринга қўйди.

Д. Ортеганинг айтганлари

МАНАГУА. Никарагуа президенти Даниэль Ортега АҚШ вице-президенти Д. Куэйлининг Никарагуадаги ялпи сайловдан кейин ҳам Қўшма Штатлар контраларга ёрдам беришни давом эттиришн мумкин, деган гапини Марказий Америкадаги вазиятни тинч ҳал этиш йўлига ўтган Марказий Америка давлатлари ҳоҳиш-иродасини менсимаслик, деб баҳолади.

Никарагуа раҳбари ТАСС мухбири Юрий Дмитриев билан суҳбатда Куэйлининг гаплари АҚШдаги ўнг доираларнинг Марказий Америкадаги беш давлат президентларининг тинчлик ҳаҳномаларини менсимасликка уринаётганидан далолат беради, деб таъкидлади. Қўшма Штатлар регион мамлакатлари раҳбарларининг ўзлари ишлаб чиққан мустаҳкам тинчлик ўрнатиш планини амалга ошириш муддаоларини ҳисобга олиши керак, Америка маъмурияти имзоланган битимларни ҳурмат қилиш, бинобарин, Гондурас территориясида жойлашган контраларга ёрдам беришни тўхтатиш Марказий Америкадаги можаронн бартараф этишнинг энг тўғри йўли эканлигини англаб оладиган пайт келди, деб таъкидлади Д. Ортега. (ТАСС).

• *Дилдаги гаплар*

МУҲИМИ—ИЖРО ИНТИЗОМИ

Қарор ва ижро, ижрони назорат қилиш партиявий ишнинг муҳим таркибий қисмидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил XVI пленумида республика партия ҳаётининг ҳозирги аҳволи атрофлича муҳокама қилинар экан, ижро интизоми тўғрисидаги масалага алоҳида урғу берилгани сабаби ҳам ана шундадир. Пленумда ижрони, ишни ташкил этишни, одамларни сафарбар қилишни, қийин муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишни, қарорлар оқибатларн учун жавобгарлик ва маълум даражадаги журъатни конкрет кишилар зиммасига қўйиш ва улардан талаб қилиш зарурлиги алоҳида уқтирилди.

Мен колхоз партия комитети секретари сифатида пленум материалларини ҳижжалаб ўқиб чиқдим. Пленумда кўпдан кўп қарорлар қабул қилиш ва айниқса унинг ижросини назорат қилиш унутиб қўйилаётганлиги жуда тўғри танқид қилинди. Дарҳақиқат тадбирбозлик, қарорбозлик — эскича иш усулидир. Бундай ишлашнинг эса умри охирлади. Эндиликда қарор ва ижронинг муваффақиятини «оз бўлсину-соз бўлсин» деган қоида белгилаб беради. Яъни пишиқ-пухта қарор қабул қилиб, унинг ижросини тўла таъминлашга эришиш зарур.

Колхозимиз партия ташкилоти янгича иш усул ва услубларини жорий қилар экан, энг аввало ана шу жиҳатга алоҳида эътибор беради. Ҳар бир цех партия ташкилоти ва партия группаси, ҳар бир коммунист учун бу қоида сира ҳам бузилмас ва ҳамма қатъий амал қилиши лозим бўлган қоидага айлантирилди.

Хўжалигимизда 5 та цех партия ташкилоти ва 30 та партия группаси бор. Уларда қайта қуриш талабларидан келиб чиқиб, йиғилишларни ўтказиш, қарор қабул қилиш ва ижро назоратида олдинги тадбирлар бўйича иш кўриш барҳам топди. Эндиликда йиғилишларда ҳар бир коммунист ўзини қизиқтирган ва айни пайтда умумхўжалик манфаати учун зарур бўлган масалалар ҳақида эркин, очиқчасига фикр билдиряпти. Қуйидан бўлган ҳар бир таклиф ва мулоҳаза диққат билан ўрганилиб, барча коммунистларнинг розилиги билан қабул қилинадиган қарорда акс эттирилади. Шу билан бирга ана шу таклиф билан чиққан коммунист ҳам ушбу қарорнинг ижросини амалга оширишда фаол қатнашади. Масалан, хўжалигимизда гарчи пудрат усули жуда тараққий этган, ўтган йили якунлари бўйича пахтачиликда оилавий пудрат аъзолари бир сўмга ўртача 1 сўм 57 тийиндан қўшимча ҳақ олган бўлсаларда коммунист Т. Жаҳонов шу йил бошидаги йиғилишда оилавий пудратни камайтириш таклифи билан чиқди. Бунга у аҳолининг бир қисми ишсиз қолаётганини сабаб қилиб кўрсатди. Афзалроқ усулни деб кўпчиликни ишсиз қўйсак бўладими? — деган саволни ўртага ташлади. Коммунистлар бу масала юзасидан кенг мунозара юритдилар ва бир неча аҳоли зич яшайдиган маҳаллалар атрофидаги бригадаларда оилавий пудратни вақтинча бекор қилишга келишилди. Коммунистнинг таклифи билан қишлоқда социал тангликни анчагина юмшатишга эришдик.

Аввал цех партия ташкилотлари йиғилишларида сўнгра партия комитети мажлисида аҳолининг шахсий томорқаларини 20 сотихгача кенгайтириш масаласи муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинган эди. Колхоз аъзоларининг турмуш даражасини оширишнинг бу муҳим омили юзасидан партия комитети ишлаб чиққан таклифлар колхозчиларнинг умумий йиғилишига киритилди. Қабул қилинган қарор асосида аҳолининг уй-жой ва томорқага бўлган талабини ўрганиш учун тузилган комиссия изчил иш олиб бормоқда. Шу кеч куздан янги йилнинг эртa баҳоригача 300 гектар экин майдонлари аҳолига бўлиб берилади.

Яна бир мисол. Йиғилишларда коммунистлар хўжалик территориясида юзлаб нафар иш билан банд бўлмаган кишилар борлигини айтиб, бу муаммони ҳал қилиш юзасидан амалий таклифларни ўртага ташлаган эдилар. Партия комитети шу борада қабул қилинган қарорнинг ижросини қаттиқ назорат қилиб борди. Жами 90 кишини иш ўрни билан таъминлашга имкон берадиган янка тартибда уй-жой қуриш бригадаси ва асфальтлаш цехи колхозда ана шу тарика вужудга келди. Колхоз посёлкасида 160 ўринли икки қаватли болалар боғчаси қуриб ишга туширилгани, Сирмоқ қишлоғида чойхона қурилаётганлиги, Маҳмудчек участкасида яшовчиларга қулайликлар яратилаётганлиги ижро интизомига қатъий амал қилинаётгани натижасидир.

Шу кунларда партия қуйи бўғинларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Коммунистлар уларда партия ташкилоти фаоллигини, авангардлигини таъминлаш, обрў-эътибори мустаҳкамлаш юзасидан аниқ таклифлар ҳам киритмоқдалар. Партия ташкилоти учун обрў энг аввало ўзи қабул қилган қарорнинг ижросини таъминлаш билан келиши маълум. Биз бундан кейин ҳам ана шу муҳим қоидага амал қилаверамиз.

М. ТИРКАШЕВА,
Норин районидаги «Коммунизм» колхози партия комитети секретари.

Область Советининг сессияси

Андижон, 15 август. (ЎзТАГ). Бу ерда халқ депутатлари Андижон область Советининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари маданий-маърифий муассасаларнинг аҳволини ҳамда қайта қуриш шароитида область меҳнаткашларини тарбиялашда уларнинг ролини яна да ошириш тадбирларини муҳокама қилдилар. СССР халқ депутатларига берилган сайловчилар наказлари қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

Сессияда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов нутқ сўзлади.

ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

23 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида халқ таълими муаммоларига бағишланган матбуот конференцияси бўлди. Унда ўқув юртлари моддий базасини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Масалан, ҳозирги вақтда республикадаги еттита мактабдан бири авария ҳолатида эканлиги айтилди. Республикада мактабгача тарбия болалар муассасаларидаги жойлар умумий эҳтиёжнинг атиги 36 фоизини ташкил этади. Олий мактаб ҳам моддий базанинг яхши эмаслиги сабабли катта қийинчиликларни бошидан кечирмоқда.

Матбуот конференцияси қатнашчилари халқ таълими учун кадрлар тайёрлашга, компьютерни билмасликка, ўқувчилар ва талабалар меҳнатидан қишлоқ хўжалик ишларида фойдаланишга барҳам бериш муаммоларини ҳам кўтардилар.

Республика Халқ таълими министрлиги раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

(ЎзТАГ).

ОРБИТАДА ТУТАШУВ

ТАСС АХБОРОТИ

1989 йил 25 август куни Москва вақти билан соат 9 дан 19 минут ўтганда «Прогресс М» автомат юк кемаси билан «Мир» орбитал комплекси туташтирилди. Ўзаро қидириш, яқинлашиш, бақамти келиш ва туташиш ишлари космик аппаратлар ичидаги автоматика ёрдамида бажарилди. «Мир» станциясига ўтиш бўлмаси тарафидан туташтирилган «Прогресс М» кемаси бирлашган двигатель қурилмаси учун ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, асбоб-ускуналар ва бошқа аппаратлар элтиб берди.

Янги туркумдаги такомиллаштирилган юк кемаси эпчил ҳаракат қила олади, кўпроқ юк кўтаради ва космосда олис вақт ишлайди, бу эса орбитал комплекс таркибида ва мустақил учиш пайтида илмий тажрибалар ўтказиш имкониян беради.

«Мир» орбитал комплексининг автомат режимдаги учиш давом этмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарори билан «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови тўғрисида» ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлари сайлови тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунларн лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун тузилган ишчи группалари бир ярим йилдан кўпроқ ишладилар.

Ишчи группалар составига совет ходимлари, давлатшунос олимлар, республика жамоат ташкилотларининг ва меҳнат коллективларининг вакиллари кирган эди. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш иши мамлакатда сиёсий система ислоҳоти авж олиб кетган, меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп таклифларини, ана шу қонун актлари лойиҳалари мазмуни хусусида турли бир-бирига зид нуқтаи назарларни таққослаш асосида олиб борилди.

Ишчи группалар тайёрлаган қонун лойиҳалари Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясида кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари лойиҳаларни муҳокама қилдилар ва умуман маъқулладилар ҳамда қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун республика Олий Совети Президиумига топшириш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 25 август куни бўлган мажлисида «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови тўғрисида» ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлари сайлови тўғрисида» Ўзбекистон ССРнинг қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди.

• Депутатлик қарзини қандай узяпмиз?

Мен депутат сифатида нималар қилишим ҳақида кўп ўйладим ва ўйлаяпман. Нима сабабдан баъзи бир кишилар ўта жонсараклик қиладилар! Тинч, осойишта, ҳузур-ҳаловатда яшаб юраверсалар бўлмайдими! Нега улар ўзларини ўтга-чўққа урадилар! Кимларнингдир мушкулини осон қилгиси келади, кимларнингдир бахти, истиқболи ҳақида қайғурадилар. Назаримда улар шон-шуҳрат, мол-дунё орттириш учун жон фидо қилаётганлари йўқ. Уларнинг ҳеч нарсадан кам ҳам йўқ. Фақат уларга қандайдир муқаддас бир куч: фидойилик, меҳрибонлик, жонсараклик ва ҳақиқат учун кураш тинчлик бермайди. Бундай кишилар халқ ташвишини, халқ дардини ўзларини хотиржамлигидан, тинчлигидан минг марта ортиқ кўрадилар. СССР халқ депутатларининг кўпчилиги ана шундай шахсларга ўхшаб кетади.

Ўтган сайлов мавсумини эслаб, шу ҳақда гапирмоқдалар. Территориал округ бўйича рақибларим ўн икки киши эди. Ҳаммаси абжир, ишчан кишилар эди. Яширмайман сайловолди саралаш йиғилишида номзодим овозга қўйилганида бироз ҳаяжонландим: «Ўтмай қолсам нима бўлади?» Лекин ғалабага ишонч ваҳимадан устун келди. Ўша, номзодлар саралаш йиғилишида одамларнинг кайфияти, руҳиятини кўтарадиган гаплар айтдим, уларнинг эҳтиёжи, дарди тўғрисида куюниб гапирдим, ўз режаларимни ўртага ташладим: «Агар мен депутат бўлсам, юртдошим Бобур мирзонинг номини улуғлайман. Шаҳар кўчаларидан бирига Бобур номи берилиши, энг гавжум жойда Бобур майдони барпо этилиши учун курашаман», дедим. Бу гап сайловчиларга маъқул тушди шекилли гулдурос қарсаклар зални ларзага келтирди. Бошқа режаларим ҳам аниқ, ҳақиқатга яқин эди. Шу сабабдан бўлса керак халқ катта ишонч билдириб, мени СССР халқ депутати қилиб сайлади.

Депутатлик — мансаб ёки олдинги йиллар одатига кўра лавозимга «илова» эмас. Депутатлик — қарз. Эртаю кеч ҳалол ишлаб, бу қарзни узиш керак. Мен шу ҳақда ўйлаяпман. Одамларнинг ишончини қозониб депутатлик мандатини олганимга ярим йилдан ошди. Ўтган вақт ичида нималарга эришдим, депутатлик қарзини қандай узяпман? Бугун сайловчилар олдида ярим йиллик фаолиятим ҳақида ҳисоб беришим мумкин?

Мамнуният билан шуни айтаманки, ўз режаларимни амалга оширяпман. Андижон шаҳар ижроия комитети халқ ва менинг таклифимни қўллаб-қувватлаб, шаҳардаги Жданов проспектига Бобур номини берди. Клиника олдида Бобур майдони барпо этилиб, обод қилинияпти.

Программамда қайд этилган яна бир муаммога тўхталмоқчиман. Андижон шаҳрининг қоқ ўртасида жойлашган Гидролиз заводи иқтисодий жиҳатдан ҳам, экологик жиҳатдан ҳам областга катта зарар келтиряпти. Заводнинг биргина ксилит цехидан йилига ўртача 1 миллион сўм зарар кўриш планлаштирилган. Бунинг устига корхонада бир неча йиллардан буён план бажарилмайди.

Олинган маълумотларга қараганда, ўтган йили гидролиз заводи зонасида ҳавонинг ифлосланиши йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан уч баравар юқори бўлди. Сабаб: заводда ўта эскирган технологиядан фойдаланилиши. Табиатни муҳофаза этишда белгиланган нормативга риоя қилинмайди. Заводдан оқиб чиққан бадбўй сув тўпланадиган жой Қорадарёга жуда яқин. Бу ерда чиқиндини тўсиб турган дамбадан тозаланмаган оқава сув Қорадарёга тошиб кетгани учун завод яқинда 15 минг сўм жарима тўлади. Айни вақтда корхонадан чиқ-қан бадбўй сув очиқ ариқ орқали Олтинкўл райони қишлоқларини оралаб ўтади. Унинг ҳидига чидаб бўлмайди. Бу ҳолат қирқ йилдан буён давом этади. Ўтган давр ичида қанчадан-қанча соғлом одамлар заҳарланганлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Мен депутатликка номзодим кўрсатилган маҳалда бу заводни бутунлай ёпиш, уни бошқа маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонага айлантириш масаласини кўтарган эдим. Сайловчилар бу таклифимни қарсаклар билан маъқуллашганди. Натижа нима бўлди? Заводнинг нитролигнин ва ксилит цехлари вақтинча ёпиб қўйилди. Уни бутунлай ёпиб қўйиш учун эса ишлаб чиқариш планини қайта кўриб чиқиш лозим эди. Съезд ўтаётган кунларда мен ва СССР халқ депутати Муталлибжон Тўхтабоев иккаламиз СССР медицина ва микробиология саноати министри Валерий Алексеевич Биков билан учрашиб, гидролиз заводини ёпиш хусусида баҳслашдик. У киши заводнинг ёпилишига қарши турди. Биз ундан аҳволни чуқур ўрганишларини талаб қилдик. Талабимиз қондирилди. Москвадан мутахассислар келиб ҳақиқий аҳвол билан танишдилар. Бу долзарб масала Андижон область ижроия комитетида кўриб чиқилди. Министрлик вакиллари заводни тубдан реконструкция қилиш лозим деган хулосага келдилар. Биз эса уни бошқа маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонага айлантириш масаласини кескин қилиб қўйдик. Чунки заводни реконструкция қилиш билан вазият ўзгармайди. Реконструкция ишларига 36 миллион сўм сарфланиши керак. Бунга 14 миллион сўм қўшимча қилинса, янги завод қуриш мумкин. Мен бу масалани М. Тўхтабоев билан биргаликда охирига етказмоқчиман. Чунки заводни бутунлай ёпиш мақсадга мувофиқдир.

Сайловолди учрашувларда, сайловдан кейинги қабулларда менга кўп наказлар берилди. Мен уларни иккига бўлдим. Биринчи группа талабномалар: йўл қурилиши, транспорт ҳаракати, газ, сув, уй-жой таъминоти ва бошқалар. Бундай ҳаётий, социал масалалар арзномаларнинг тўқсон фоизини ташкил этади. Иккинчи группа арзномалар: ишсизликни бартараф этиш (Андижон областида 200 минг киши ишсиз), пахтанинг таннархини ошириш, хотин-қизларни оғир меҳнатдан озод қилиш, медицина, маориф ишини янада яхшилаш ва ҳоказолар.

Очиғини айтсам, асосий вақтим биринчи группа арзномаларини бажаришга кетяпти. Сабаб: одамлар қайта қуришдаги сусткашликдан, баъзи партия, совет ҳодимларининг ишидан қониқишмаяпти. Улар одамларни яхши тингламаётирлар, масалаларни вақтида ҳал этмаётирлар. Шунинг учун ҳам ҳафсаласи «пир» бўлган одамлар кўпроқ халқ депутатларига мурожаат қилмоқдалар. Ўйланиб қоламан. Газ, сув таъминоти, қабристонни кенгайтириш, қишлоқларни обод қилиш, кўчаларга чироқлар ўрнатиш... Наҳотки, шу оддий, ҳаётий масалалар ҳам депутатларнинг аралашувисиз ҳал бўлмаса?!

— Отахон, бу ишни маҳаллий ташкилотлар ҳал қилади-ку?! — дейман.

— Э, депутат ўғлим. Мен бормаган идора, мен учрамаган раҳбар қолмади. «Эрта келинг, индин келинг» деб овора қилишгани қилишган. Сабр-косам тўлгач, сизга келдим, ёрдам қилинг бўтам...

Бундай савол-жавоблар қабулимда бўлганлар билан такрорланиб туради. Бу Андижон шаҳрида, Олтинкўл ва Андижон районларида одамлар билан ишлаш кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатади. Қачон одамлар орасига кирамиз. Қачон уларнинг ишончини қозонамиз?! Агар хўжалик раҳбарлари, партия, совет ходимлари ўз бурчларини сидқидилдан ўтаб, одамларни тинглашни ўрганишсалар, биз, депутатлар «майда-чуйда» масалалар билан ўралашиб қолмасдан, иккинчи группа арзномалар: республика ва Иттифоқ миқёсидаги масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланган бўлардик. Ечимини кутаётган бундай долзарб масалалар эса жуда кўп.

Шу боисдан мен халқ депутатларининг биринчи съездида жим ўтира олмадим. Съездда иккита ғоят муҳим масалани ўртага ташладим. Бу, бутун Ўзбекистонни ташвишга солаётган ишсизлик масаласи эди. Фарғона водийсида, жумладан, Андижон областида ёшлар ўртасида ишсизлар сони тобора кўпайиб бораётганлиги, бунинг оқибатида ички ликбезлик, гиёҳвандлик, безорилик, ўғрилик, бузуқчилик келиб чиқаётганлигини съезд минбаридан айтиш шарафига муяссар бўлдим. Ишсизликни тугатиш учун республика қишлоқларида саноатни ривожлантириш, янги-янги завод-фабрикалар қуриш зарур. Бизнинг республикамиз фақат хом ашё етказиб берадиган аграр ўлка бўлиб қолгудек бўлса, саноатнинг замонавий турлари қурилмаса ҳамда унинг маҳсулотлари харидоргир бўлмаса, келгусида аҳвол бундан ҳам оғирлашиши табиий.

Фарғонада юз берган воқеа, биз депутатларни ҳам ларзага солди. Гарчи мен андижонлик бўлсам ҳам ўзимни бу воқеага даҳлдор деб билдим. Биз, бир группа депутатлар съезд кунларида СССР Министрлар Советининг раиси Николай Иванович Рижковга Фарғона водийсига бориб, ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўришлигини сўраб талабнома ёздик ва бу масалани зудлик билан ечилишини талаб қилдик. Талабимиз инобатга олинди...

Съездда пахтанинг харид нархини оширмай туриб, колхозчиларнинг турмуш шароитини яхшилаб бўлмаслиги ҳақида ҳам гапирдик. Шу билангина чекланиб қолмадик. Николай Иванович Рижков ва унинг ўринбосари Александра Павловна Бирюкова билан бўлган суҳбатда ҳам биз, андижонлик депутатлар бу муҳим масаланинг социал, иқтисодий ва сиёсий моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилдик. Имкониятдан фойдаландик.

Съезддан кейин баъзи депутат дўстларимиз: «Съездда гапирмоқчи эдик, лекин гапирганимиз билан нима ўзгариб қолади?» деб ёзишди. Бу фикрга қўшилмайман. Токайгача одоб сақлаб «дард»имизни яширамиз. Халқ бизга ишонч билдирди. Юксак ишончни оқлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Гапирдик — қишлоқ хўжалигида заҳарли дориларни сепиш анча камайтирилди. Гапирдик — министрлар Ўзбекистонга тез-тез келадиган бўлиб қолдилар. Гапирдик — Орол дардига малҳам қидирилмоқда.

Программада маданий мероснмизни сақлаш, Андижон областида яшовчи барча миллат ва элатларнинг ҳам дўстлиги барқарорлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири қилиб қўйилган. Бу борада ҳам муайян ишлар қилинди. Андижон шаҳрида «Халқлар маданий мероси гулдастаси» деб номланган оммавий турли миллатлар сайили ўтказилди. Мен область маданият фондининг раҳбари сифатида бу ишга бошчилик қилдим. Ўзбеклар, руслар, қирғизлар, татарлар, туркlар, уйғурлар, корейслар, яҳудийлар, арманлар миллий кийимида сайилга чиқиб, ўз санъати, маданияти ва миллий таомларини намойиш қилдилар.

Бундай маросимларни республикамиз миқёсида ҳам тез-тез ўтказиб туришни давр талаби деб биламан. Ҳар бир халқнинг, ҳар бир элатнинг тили ва маданий меросини сақлаб, ривожлантириш бу умумбашарий, умуминсоний ишдир. Фарғона воқеаси бундай ишларни доимо амалга оширишимиз зарурлигини кўрсатди. Бизнинг байналмилалчилигимизни таъкидлашнинг ҳожати йўқ. Бунга тарихнинг ўзи инкор қилиб бўлмайдиган гувоҳдир.

Лекин баъзи бир марказий матбуотда, хусусан, «Огонёк» журналида чоп этилган мақола ўзбек халқига нисбатан қуруқ туҳмат бўлди. Бу мақола миллатлараро дўстликка қисман соя ташлади, улар орасига нифоқ солди, гумонсираш пайдо қилди. Бундай ножўя чиқишларга қаттиқ зарба бериш керак.

Кези келганда бир нарсани айтмоқчиман. «Ўзбекистонлик депутатлар съездда фаол ишламадилар», деган таъналарни ҳамон эшитиб турибмиз. Ҳурматли ёзувчиларимиз Тўлепберген Қайипбергенов, Одил Еқубов ўртоқлар ўткир, адолатли гапларни айтишди.

Бошқа депутатларимиз Болтиқбўйи депутатлари, грузияликлар каби ўз муаммоларини дадил ўртага ташлашлари мумкин эди. Лекин бундай бўлмади. Бунга сабаблар кўп: биринчидан, съезд кунларида айрим депутатларнинг маъмурий системага садоқати баландлиги намоён бўлди. Улар бюрократия фойдасига овоз беришдан нарига ўтмадилар. Бунинг устига сиёсий бўшлигимиз, бундай катта анжуманларда илгари — кейин қатнашмаганлигимиз, ҳали парламентда ишлаш тартиб-қоидаларини билмаслигимиз туфайли ўзимизни йўқотиб қўйгандек бўлдик. Биз, умуман парламентнинг ҳуқуқ ва имкониятларидан фойдаланишни билмаймиз. Чунки, бизда бунга имконият яратилмаган, чет эл парламентлари каби кўп йиллик тажрибага эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам съезднинг дастлабки кунларида биз ўта пассив бўлдик.

Иккинчидан, тан олиш керак, баъзи депутатларнинг сиёсий, юридик, иқтисодий илм билан яхши қуролланмаганликлари аниқ-равшан сезилиб турди. Бу, сайлов жараёнидаги кўпгина ишлар эскича давом этганлиги оқибатидир. Бундан буён ҳозирги замон илми билан қуролланмасдан, чуқур сиёсий, иқтисодий билимга эга бўлмай туриб парламентда сайловчиларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаймиз.

Учинчидан, кўп йиллар давомида онгимизга сингиб кетган ҳадиксираш, ҳақиқатни ошкора гапирмаслик, жасоратнинг камлиги ҳам ўз кучини кўрсатди. Бизнинг шарқона одобимиз, яъни, ўта андишалилигимиз, катталар олдида одоб сақлашдай яхши фазилатимизнинг «қудрати» ҳам сезилиб қолди.

Мен бу гапларни ўзимизни оқлаш учун эмас, аксинча, бу камчиликларимиз келгуси катта йиғинларда қайтарилмаслиги, илм-фаннинг янги-янги ютуқлари билан қуролланган ҳолда халқ фаровонлиги йўлида журъат билан маъруза қилишимиз учун таъкидлаяпман.

Энг, аввало, биз парламент мактабини яхши билмоғимиз ва ўрганмоғимиз лозим. Ҳақиқий парламент депутати сифатида шакланмоғимиз керак ва шундай парламентга республикада бўладиган сайловларда эришмоғимиз зарур. Ана ўшанда етук депутатлар тайёрлашимизга замин яратилади. Энди ишчан, билимдон, жасоратли, фидойи депутатларсиз халқни қийин аҳволдан олиб чиқиб бўлмайди.

Халқ сайлаган депутат — халқ ғамини ейди, халқ дарди билан яшайди. Халқнинг кувончи — депутатнинг қувончи. Халқнинг ташвиши — депутатнинг ташвиши бўлмоғи лозим.

М. УМАРХЎЖАЕВ,
СССР халқ депутати, Андижон давлат тиллар педагогика институтининг ректори, профессор.

ХАЛҚ ҚУВОНЧИ — БИЗНИНГ ҚУВОНЧИМИЗ

ИНСОНИЯТ ИРОДАСИ

Тинчлик! Бу табаррук сўз жаҳондаги барча халқлар тилларида янги куч, янги оҳанг билан баралла янграмоқда. Тинчлик инсоният учун олий истак бўлиб келган, ва шундай бўлиб қолади. Ҳеч қачон ўзгармайдиган ҳаёт қонунияти бор: одамлар уруш учун эмас, балки тинчлик, бахтли ҳаёт кечириш учун дунёга келадилар. Бутун-бутун эллар, элатлар бир-бирлари билан яхши қўшничилик алоқаларида бўлиб, шу аснода курраи заминни балолардан асрашга, уни янада гўзаллаштиришга ҳаракат қиладилар. Зеро, Ер юзида тинчликни сақлашдан ҳам, кишиларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ.

Советлар мамлакати ўзи ташкил топганидан буён ленинча тинчлик сиёсатини изчиллик билан ўтказмоқда, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш учун қатъий курашмоқда. Коммунистик партия ва Совет давлати тинчлик ва халқлар дўстлигининг ленинча байроғини баланд кўтариб бормоқдалар. Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ишига миллионлаб совет тинчлик тарафдорлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар жаҳондаги барча тинчликсевар кучлар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоқдалар, юксак гражданлик онглилигини, намойиш этмоқдалар.

Бундан қирқ йил муқаддам — 1949 йилнинг 25-27 августида тинчлик тарафдорларининг биринчи Бутуниттифоқ конференциясида совет кишиларининг тинчликни ҳимоя этиш ҳаракати ташкилий жиҳатидан шаклланган эди. Унда тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети тузилди. Ўшандан буён бу оммавий жамоат ташкилоти совет тинчлик тарафдорларини бирлаштириб, улар фаолиятини мувофиқлаштирмоқда. Ўтган йиллар мобайнида совет кишиларининг тинчликни ҳимоя қилиш ҳаракати мўътабар ва таъсирчан ижтимоий кучга айланди. Ҳозир совет тинчлик ҳаракатининг роли, масъулияти янада ошди. Умумий хонадон — Ер юзи халқларига Советлар мамлакатининг ленинча ташқи сиёсати тўғрисидаги ҳақиқатни активроқ етказиш, тинчлик ва қуролсизланиш душманларининг кирдикорларини фош этиш, ядро уруши хавфига қарши курашаётган барча кучлар билан алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантириш зарур. Бу борада мамлакатимизда жамоатчилик асосида ишлаётган 125 республика, ўлка ва область комитетлари ғайрат кўрсатмоқда.

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ БИРИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг ташаббусига кўра, мамлакатимизда анъанавий тинчлик кунлари, қуролсизланиш, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун, Америка атом бомбардимонлари қурбонлари билан бирдамлик ҳафталиклари ўтказилмоқда. Бу тадбирларда республикамиз меҳнаткашлари ҳам кенг иштирок этмоқдалар. Халқ дипломатиясида Ўзбекистон вакиллари ҳам фаоллик кўрсатяптилар. Жумладан ўтган йили АҚШ территориясида ўтган Совет—Америка тинчлик юришида Ўзбекистондан 4 вакил қатнашди. Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон комитети республикамизга ташриф буюраётган ҳорижий делегациялар билан ишлашга ҳам айниқса катта эътибор беряпти. Американинг «Сейти фриз» ташкилоти ва халқ томонига ўтган собиқ оппозициячилардан иборат Афғонистон делегациялари республикамиз ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон комитети ташаббуси билан биринчи сентябрь куни В. И. Ленин номидаги Пионерлар саройида Саманта Смит номидаги халқаро болалар музейи очилади. Бундай тадбирлар Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

Тинчлик — Ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар умиди, фикри-зикри ва ифтихори! Уларнинг бирлиги ва байналмиллаллиги эса қудратли куч!

А. РЎЗИЕВ.

ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятида 25 август куни лекторларнинг республикадаги етакчи олимлар билан учрашуви бўлди. Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати юзасидан КПССнинг платформаси асосида СССРдаги миллатлараро муносабатлар муаммолари муҳокама қилинди.

Учрашувда сўзга чиққан файласуфлар, социологлар, сиёсатчилар, ижтимоий фанларнинг бошқа соҳаларидаги мутахассислар совет федерациясини қайта қуриш, миллий автономиянинг ҳуқуқий мақоми, республикани хўжалик ҳисобига ўтказиш, фан ва саноатдаги устун соҳаларни ривожлантириш масалалари хусусидаги фикрларини айтдилар. Ўзбекистонда миллий маданиятлар ва тилларни сақлаб қолиш, республикада яшаб турган барча халқларнинг маънавий турмушини эркин ривожлантириш муаммолари муҳокама қилинди.

Учрашув материаллари Ўзбекистондаги миллий муносабатлар ва ёшларни байналмилал руҳда тарбиялаш муаммоларига оид лекциялар туркумига асос бўлади. Тарғиботчиларга ёрдам тарзида бир қанча китобчалар чиқариш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ШАЙ

Шу кунларда республикамиз пахтакорлари ғўза парваришини тобора авж олдирмоқдалар. Айрим жойларда очилган чаноқлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Бу ўз-ўзидан пахта тозаловчиларни шошириб қўйиши табиий. Шунинг учун ҳам Андижон область, Москва район пахта тозалаш заводи коллективи мавсумга қизғин ҳозирлик кўрди. Бу ерда цехлар яхшилаб ремонтдан чиқарилди. Эскириб қолган машиналар янгилари билан алмаштирилди. Барча ёрдамчи техника воситаларн ҳам тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди. Заводнинг кўпгина ишчилари қайта тайёргарлик кўриш ва малака ошириш курсларида ўқитилди. Бу йил пахта заводи тайёрлов пунктларида 44 минг 397 тонна пахта қабул қилиб олинади.

Яқинда завод рационализатори Эркин Еқубов томонидан янги пневмопогрузчик тайёрланиб ишга туширилди. Бу машина ёрдамида пахта хом ашёси механизациялашган усулда туширнб олинади ва тезда тозаланади. Янги механизм соатига 5 тонна маҳсулотни қайта ишлаб беради.

Суратларда: 1. Завод бош механиги Ваҳоб Муҳаммаджонов линтер цехида.

2. Корхона бош инженери Мухтор Раҳимов ва механизация бўйича слесарь Минет Дюбе транспортерларни кўздан кечиришмоқда.

Р. Ашуров суратлари (ЎзТАГ).

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ОМБОРИ

Муборак пармалаш ишларн бошқармасида пешқадамлар сафи кенгайиб бормоқда. Улар орасида Б. Каримов бошлиқ участка ишчилари алоҳида ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Участка пармаловчилари қисқа вақтда Қорабайир майдонида 40 та кон қудуғи пармалашди.

Чуқур пармалашдан иборат илғор усул яхши самара беряпти. Катта диаметрли қувурлар 1020—1030 метр чуқурликка туширилиб мустаҳкамлангач, пармалашни яна 90—100 метр давом эттиришга муваффақ бўлинмоқда.

— Пармаланаётган қудуқлар келгусида ерости газ омбори вазифасини ҳам ўтайди, — дейди Б. Каримов. — Қорабайирдаги қудуқларнинг ҳаммасини қазиб топширсак, областдаги яна бир газ муаммоси ҳал бўлади. Яъни Муборак газни қайта ишлаш заводидаги ортиқча «зангори олов» пўлат қувурлар орқали Қорабайир ерости омборига жамғариб қўйиладиган бўлади. Бу эса йил давомида истеъмолчиларни газ билан узлуксиз таъминлашга имкон беради.

Э. ТОЖИЕВ,
Қашқадарё области.

КЎП ДАСТГОҲДА

Тилаволди Ғиёсов шу йилнинг август ойини катта меҳнат ютуғи билан кутиб олди. Моҳир ишчи ўн иккинчи беш йиллик бошидан буён 65 минг 797 метр хонатлас тўқиб чиқариб, етти йиллик план ҳажмида маҳсулот тайёрлади.

У бунга хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш— уч ўрнига беш дастгоҳда ишлаш йўли билан эришмоқда. Тўқувчилик цехининг зарбдор ишчиси йил охиригача яна 9 минг 453 метр — йиллик планга тенг хонатлас ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Марғилон пиширитиш-шойи тўқиш фабрикасида Т. Ғиёсовнинг издошлари анчагина. Сория Минишина, Нурали Кенжаев каби моҳир тўқувчилар ҳам беш йиллик планларини муддатидан илгари адо этиб, «Ҳурмат тахтаси»га ёзилишди. Улар ҳам уч ўрнига тўрттадан дастгоҳ бошқаришмоқда.

А. ҚИРҒИЗОВ,
Марғилон шаҳри.

МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

Ғиждувон пахта тозалаш заводининг аҳил коллективи 1989 йили ҳосилини қайта ишлашга тайёргарликни тугаллади. Асосий ишлаб чиқариш цехлари пахта ҳосилини қабул қилиб олишга шай.

Қуритиш, тозалаш, тола ва момиқ ажратиш, пресслаш цехларида машина-ускуналар сифатли ремонтдан чиқарилди. Баъзи цехларда эса 15—20 йилдан буён ишлатилаётган эски машина-ускуналар замонавий типдаги машиналар билан алмаштирилди. Жумладан, ингичка толали пахтани қайта ишлайдиган цехда ипак толани ҳас-чўпдан тозалайдиган «ОВМ-6» маркали янги машинадан 4 таси ва «УМП-100» маркали момиқ ажратиш машинасидан 6 таси монтаж қилинди.

Шунингдек, тайёрлов пункти 63 та транспортер, бешта тарози ҳамда лаборатория анализи учун зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

ПАРТИЯВИЙ СОАТ

Кейинги вақтларда область, шаҳар, район партия комитетлари раҳбарлари билан меҳнаткашлар ўртасидаги амалий мулоқот янада яқинроқ тус олиши учун етарлича куч-ғайрат сарфланмаяпти, деган гаплар эшитилиб қоляпти. Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди, деганларидек бу гапларда жон бор, албатта.


Хўш, бу масалага янгича ёндашиш мумкин эмасми? Тошкент области ва Тошкент шаҳри учун область партия комитети ташаббуси билан ташкил қилинган телевизион кўрсатувларда бу саволга жавоб топилди. Яқинда рус тилида олиб борилган кўрсатувда область, район партия ташкилотлари раҳбарларининг чиқиши уюштирилди. «Партиявий соат» рубрикаси остида ўтган мулоқотда миллатлараро муносабатлар, озиқ-овқат, экология, муаммолари юзасидан фикр алмашинувлар бўлди.

Кўрсатувни ташкил қилишдан мақсад — партия ҳодимлари билан меҳнаткашлар ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлашдан иборат. Таъбир жоиз бўлса, уни партия ташкилотлари раҳбарларининг халқ олдидаги ҳисоботи ҳам дейиш мумкин.

Куни кеча экранга чиққан иккинчи кўрсатув ўзбек тилида олиб борилди. Кўрсатувни область партия комитетининг биринчи котиби М. Мирқосимов бошқарди.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.





«Совет Ўзбекистони» аҳоли хизматида

ЕР УЧАСТКАСИ АЖРАТИЛМОҚДА

«Яқинда шахсий уй-жой қуриш учун ер участкаси олмоқчи бўлдим. 0,06 гектардан ортиқ ер берилмайди, деб айтишди. Шу тўғримн!» — деб ёзади Бахмал районидаги Усмат посёлкасида истиқомат қилувчи Л. Утаев редакциямизга йўллаган хатида.

— Л. Утаевнинг аризаси кўриб чиқилди, — дейилади Бахмал район Совети ижроия комитети йўллаган расмий жавобда. — Ҳақиқатан ҳам Усмат посёлкаси район маркази бўлганлиги туфайли гражданларга амалдаги қоидаларга асосан шахсий уй-жой қуриш учун 0,06 гектардан ер участкаси ажратилган эди.

Партия ва ҳукуматимизнинг кейинги кўрсатмаларига мувофиқ кенг меҳнаткашлар оммасининг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда район Совети ижроия комитетининг шу йил 12 апрелдаги қарорига биноан район марказидаги гражданларга шахсий уй-жой қуриш учун 0,12 гектардан ер участкаси ажратилмоқда.

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

«Сариосиё районидаги Калинин номли колхознинг Бешкапа участкасида яшовчи Н. Шобердиев редакциямизга йўллаган хатида қишлоқда бир қатор масалаларни ҳал этмш пайсалга солиниб келинаётганлиги хусусида фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истаклар билдирган эди.

Газетхон мактуби юзасидан СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан шундай мазмунда жавоб олинди:

— Н. Шобердиев аризаси Сариосиё район Совети ижроия комитети томонидан кўриб чиқилди. Унда кўрсатилган фактлар ҳақиқатан ҳам тўғри. Ҳозирги вақтда Калинин номли колхоз йўлини созлаш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Колхоз территориясида аҳолини меҳнат билан банд қилиш мақсадида ғишт ва тикувчилик цехлари, тўртта сартарошхона, учта новвойхона ва бешта гўшт дўкони ишлаб турибди. 1990 йилда 422 ўринли мактаб ва водопровод қурилишини бошлаш режалаштирилган. Колхозда еттита болалар боғчаси бор. Уларда колхозчиларнинг беш юздан зиёд фарзандлари тарбияланмоқдалар.

ФАРҒОНА ШУ КУНЛАРДА

РЕПОРТАЖ

Эрта тонгда Фарғонада ҳаво анча салқин. Чошгоҳда ҳам ҳаво тандирдек қизиб кетаётгани йўқ. Ҳар қалай, чилла чиққан. Буёғи энди куз.

Июнь ойида Фарғона бошқачароқ эди, энди манзара ўзгарган. Карнай-сурнай чалишиб куёвлар ўтиб қолишади. Соя-салқин кўчаларда сайёҳлар сайр қилиб юришибди, бозорлар гавжум. Солдатлар ҳам, бронетранспортёрлар ҳам кўринмайди.

Аммо комендантлик соати амал қилмоқда. Энди у кеч соат 10 да эмас, балки 12 да бошланади. СССР Ички ишлар министрлигининг Фарғона областидаги ички қўшинлари қўмондонлиги комендантлик соатини бекор қилиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйган эди. Лекин аҳоли ҳозирча бунга эътироз билдирди.

Барча корхоналар, маданият муассасалари ишлаб турибди. Қурувчилар месхети туркларининг ёндириб юборилган уй-жойларини тиклашмоқда. 50 га яқин иморат ремонт қилинди. Рости гап, иш кўнгилдагидек бораётгани йўқ, дам ғишт, дам бетон ва шифер етишмайди. Баъзан қурувчиларга дағдаға ҳам қилишмоқда Номаълум одамлар номерсиз машиналар ва мотоциклларда келиб қолишади, пўписа қилишади, аммо ҳеч ким уларни писанд қилмайди, аммо одам темир эмас-ку, асаблар бузилади.

Бўлиб ўтган воқеалар область бюджетини қақшатади, албатта. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, зарар кўрганларга беш миллион сўмга яқин товон пули тўлаш керак.

Тартибни сақлаш штабига, СССР Ички ишлар министрлиги жиноят қидирув бош бошқармасининг тергов группаларига ва Иттифоқ прокуратурасига ҳар куни телефон орқали дағдаға қилинаётгани ҳақида хабарлар келиб турибди. Ўзгача хабарлар ҳам бор. Ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса ҳам месхети туркларини қутқарган, уларга озор бериширларига йўл қўймаган ўзбек биродарларга қўплаб миннатдорчиликлар ҳам айтилмоқда. Қўқонда, Фарғонада ва жанжал чиққан бошқа жойларда шундай бўлган эди. Ана шу мард, олиҳиммат кишиларни ҳар қанча ардоқласак арзийди.

СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлар қўмондонлигининг Фарғона областидаги вакили, генерал-майор Г. Малюшкин вазиятни қуйидагича баҳолади:

— Умуман аҳвол барқарорлашди. Комендантлик соатини бузганлик учун қўлга олинганлар кескин камайди. Лекин тўла осойишталик ҳали қарор топгани йўқ. Айниқса, миш-мишлар одамларнинг кўнглига ғулғула солмоқда. Қўшинлар жойлашган ерга варақалар ташлаб кетишмоқда, мазкур варақаларда солдатлар «босқинчи», деб аталган, қирғин қатнашчилари эса миллий қаҳрамонлар қилиб кўрсатилмоқда. Бу ерда тинчлик ва осойишталик тикланиб, барча миллатларга мансуб кишилар хавф-хатарсиз яшайдиган бўлганидан кейингина биз бу ердан кетамиз.

Шаҳарлар ва районларда кимдир зимдан қонуний терговга халақит беришга, газандаларни масъулиятдан қутқариб қолишга уринмоқда. Бир гуруҳ аёллар «Фарзандларимизни, эрларимизни, ота-иниларимизни (қирғин ва ўт қўйишларда айбланиб қамалганлар) озод қилинг» деган талаб билан намойишга чиқишмоқчи бўлган эди. Таассуфки, Фарғона политехника институти комсомол активининг йиғилишида ҳам ана шундай даъватлар янгради.

Иғвогарлик руҳидаги варақаларни фақат «устаси фаранг»ларгина тайёрлашаётгани йўқ. 10-синф ўқувчиси ҳам бир гал ана шундай варақани ёзгани аниқланди... Иғвогарлар сочган уруғдан ёшларнинг кўнглида заҳарли ниятлар ниш урмоқда.

Марказнинг ҳукми, пахта яккаҳокимлиги, мураккаб экология вазияти тўғрисидаги гаплар тўғриликка тўғритил ва қароқчи эмас. Фақат рад этиб бўлмайдиган далил-исботлар билангина айбдорларни аниқлаш мумкин.

— Ҳозир асосий куч-ғайратимизни қотилларни аниқлашга қаратганмиз,— дейди СССР Ички ишлар министрлиги жиноят қидирув бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Дзиов. — 68 жиноий қотиллик юзасидан 35 тасига оид материаллар тўпланди. Яна 20 қотиллик хусусида конкрет қатнашчилар аниқланди. Барча материалларни тергов органларига ўтказмоқдамиз. Шуни айтишим мумкинки, ўлдирган ҳам, ўт қўйган ҳам, бебошлик қилган ҳам ўша кишиларнинг ўзидир.

Эндиликда ўша воқеалар қатнашчиларининг тахминий социал портретини чизса бўлади, булар, асосан қишлоқ аҳолисидир. Баъзи «донишмандлар» ҳадеб такрорлашаётганидек, қирғинбаротчилар орасида ишсизлар ва илгари судланган одамлар кам, тўғри, бундайлар оломон орасида бўлган эди. Жиноят қидирув ходимларининг шунга ишончи комилки, жиноят қилишдан асосий мақсад бойлик орттириш бўлган. Фактлар шундан далолат бериб турибди. Масалан, биринчи галда ўзига тўқ хонадонлар талон-торож қилинган, уларнинг уйи ёқиб юборилган, бундай уйлардан қимматбаҳо буюмларни қидиришган. Айтмоқчи, ўғирланган нарсаларнинг кўпи топилди.

Қонсираб ҳаракат қилган бир қанча тўдалар аниқланди. Тошлоқ районидан чиққан бир тўдага 400 га яқин одам уюшган эди. Бошқа бир тўда Охунбобоев районида тузилган. Бу тўда 10 одамни ўлдирган, унинг қўлида қурол ва автотранспорт бўлган.

— Яна бир тафсилотни таъкидлаб ўтмоқчиман, — деди Б. Дзиов. — Қотилликлар бир-бирига ўхшаб кетади. Аввал бир одам уради, кейин иккинчиси қўшилади... Бундай шароитда конкрет одамни ким ўлдирганини аниқлаш анча қийин. Жиноятчилар ҳам худди ана шунга умид боғлашган, уларнинг фикрича, ҳунрезликка кўпроқ одам бош қўшган бўлса жиноятни очиш шу қадар чигаллашади. Аммо тўдадагилар «чучварани хом оанашибди». Тергов қонуний йўлдан бормоқда ва самара бермоқда.

Тергов ҳар бир жиноий ҳодисани синчиклаб текширмоқда. Жиноятчи гуруҳлар ҳаракатида муайян уюшқоқлик бўлганига энди ҳеч ким шубҳа қилаётгани йўқ. Жумладан, ушбу гуруҳларнинг «таъсир зоналари» бўлган эди. Баъзилар Тошлоқда ур-тўполон чиқариб, қотиллик қилишган бўлса, иккинчилари Фарғонада, учинчилари Яйпанда шундай қилишган.

Терговнинг барча иплари СССР прокуратураси тергов группасининг бошлиғи А. Фролов қўлидадир. Энди унга сўз берамиз.

— Терговни иложи борича қисқа муддатда ўтказиш асосий вазифамиз, деб ҳисоблаймиз. Тўрт нафар месхети туркларини ваҳшийларча қатл этиш хусусидаги «Қува иши» батамом якунланди. Худди ана шу гуруҳ милиция ходимига ҳужум қилган эди. Биз июлнинг йигирманчи кунларида ишни Қува халқ судига оширдик. Тушуниб бўлмайдиган сабабларга кўра, мазкур суднинг мажлислари бир неча бор орқага сурилди. Хуллас, 7 август куни суд... айбланувчиларни руҳий касалликлар шифохонасига текширувдан ўтказиш учун юборди. Далил қуйидагича: айбланувчилардан бири бир .вақтлар мотоцикл ҳайдаётганида аганаб кетганини, ўшандан буён боши айланишини айтди, аммо суд бир варакайига тўрт кишини тиббий текширувдан ўтказишга қарор қилди... Тергов судьяларга ҳар бир айбланувчининг эс-ҳуши жойида эканлиги тўғрисида медицина хулосаси тақдим этганига қарамай шундай бўлди!

Суднинг бу хатти-ҳаракатларини мен, юмшоқроқ қилиб айтганда, тушунарсиз хатти-ҳаракатлар дегим келади. Биз гайриҳуқуқий хулосани рад этдик ва унинг бекор қилинишига ҳаракат қиламиз, деб таъкидлади А. Фролов. Унинг фикрича, тергов учун айбланувчи қайси миллатга мансублигининг аҳамияти йўқ. Ўзбеклар ҳам, турк миллатига мансуб кишилар ҳам қамоққа олинишган ва улар суд олдида жавоб беришлари керак. Ҳозир ҳаммаси бўлиб 145 киши қамалган. «Яна 100 га яқин кишини кўз остимизга олиб қўйганмиз», — қўшиб қўйди у.

Александр Васильевич фожиали воқеаларни сиёсий жиҳатдан қандай баҳоламоқда?

— Ишончим комилки, бу сира сиёсий хатти-ҳаракат эмас. Лоақал, воқеалар солномасига назар солайлик. Қувасойдаги биринчи тўполондан кейин бир ҳафтада осойишталик бўлиб турди. Воқеалар авжига чиққани йўқ. Аммо ақл бовар қилмайдиган васваса, миш-мишлар кучайиб кетди. Ҳеч ким бу шов-шувларни сусайтира олмади, партия, совет, ҳуқуқ муҳофазаси органлари бунга қарши тура олмадилар.

Ҳозир қамоқда ўнга яқин одам бор, уларни Марғилон, Тошлоқ, бошқа жойлардаги тартибсизликларнинг ташкилотчилари, десак бўлади. Худди ана шу кишилар зимдан йиғилаётган гуруҳларга бош бўлиб оломонни кўтардилар. Норасмий ташкилотлар ҳам кескинликни авж олдиришга ўз улушларини қўшдилар. Бу ҳақдаги фактлар жамоатчиликка ҳавола этилади.

Энди бебошликка бош қўшган одамларга пул бериларни ҳақида гапирмоқчиман. Ёш-ялангларга ҳам, катталарга ҳам эллик сўмлик ва юз сўмлик пуллар берилди, лекин бу маблағ қандайдир яширин «махсус фонд»дан берилгани йўқ. Бу маҳаллий бойларнинг хайри эҳсонидир (биз уларнинг айримларини биламиз). Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз ҳар бир ҳодисани ипидан игнасигача тергов қилишимиз керак. Ўз олдига маълум мақсадни қўйиб қотилликка қўл уриш бошқаю, қирғин-баротда тасодифий алданган одамларнинг иштирок этиши бутунлай бошқа ҳолдир, буларнинг қўлига ёғоч бериб «туркларни ўч олишга» даъват этишди.

— Александр Васильевич, баъзи газета-журналлар Фарғонадаги фожиа месхети туркларини русларга қарши чиқишни истаганликларини учун улардан ўч олишдир, деб ёзишди. Бунга нима дейсиз?

— Бу ёлғон гап. Айни вақтда хавфли ёлғондир. Афсуски, бу вазиятда турк жамоасининг вакиллари ҳам ўзларини нотўғри тутмоқдалар: улар бу овозаларни рад этмай, баъзан ҳатто шунга ўхшаш ёлғон гапларни тарқатмоқдалар.

— Июнда бўлган фожиа ҳақида ёзган журналистлар шанига Ички ишлар министрлигининг баъзи ходимлари таъна-дашномлар айтишди: улар қирғинбаротда милициянинг иштирок этганлигини рад қилдилар...

— Маҳаллий милиция ўзини яхши томонидан кўрсатмади. Унга касб маҳорати, қатъият, вазиятга аниқ баҳо бериш етишмади. СССР Ички ишлар министрлигининг ички қўшинларигина вазиятни барқарорлаштирдилар. Энди сизнинг саволингизга келганда, шуни айтмоқчиманки, қирғинбаротда иштирок этиб, бўлғуси жабрдийдаларнинг уйини кўрсатиб берган маҳаллий милициянинг бир қанча ходимлари қамоққа олинди. Бориб турган хоинлик ҳоллари ҳам мавжуд. Бу борада тергов қўлида рад этиб бўлмайдиган фактлар бор. Айтмоқчи, тергов қилинаётган кишилар мамлакатнинг бошқа районларига жўнатилди, деган овозалар юрибди. Бу ҳам ёлғон. Маҳбусларнинг ҳаммаси Фарғона областидадир.

— Яқинда Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланган Г. Котоврасов билан узоқ, бафуржа суҳбатлашдик. У областда чорак асрдан бўён яшамоқда, ҳар хил лавозимларда ишлаган. Сўнгги вақтда область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлган. Муаммоларни яхши билади. Чунки ишбошчиларидан бири бўлган. Суҳбатимизнинг мухтасар баёнини эътиборингизга ҳавола қиламан:

— Ҳар қалай, июндаги воқеалар миллатлараро муносабатларга раҳна солди. Бу фақат маҳаллий аҳоли билан туркларга ўртасидаги муносабатларгагина тааллуқли эмас. Бу воқеалар учун ўзбек халқи айбдор дейиш катта хато бўлур эди. Аввало, ғоявий-сиёсий ишдаги камчиликларимиз, нуқсонларимиз фожиага сабаб бўлди. Биз буни англаб турибмиз.

Бу можаронинг қирралари кўп. Ҳозир баъзи кимсалар бутун айбни таъсири анча кучли бўлган «Бирлик» норасмий ҳаракатига қўйишмоқчи. Менинг фикрим бундай: «Бирлик»нинг бир қанча саъй-ғайратлари қайта қуришнинг инқилобий мақсадларига мосдир, бошқа масалалар хусусида баҳслашиш мумкин ва зарур. Аммо худди ўша партия ва совет органлари норасмий ташкилотлар билан алоқа ўрната олмадилар, биргаликдаги ҳаракат программасини ишлаб чиқмадилар. Бу шунга олиб келдики, «Бирлик» ҳаракатига соғлом кучлар билан бир қаторда биз учун батамом номақбул мақсадларни олдига қўяётган кучлар ҳам қўшилди. Шунинг учун ҳам область аҳли партия, совет органлари шанига анчагина таъна-дашномлар айтаётганида жон бор. Мен буларни ўринли эътирозлар деб ҳисоблайман. Биз вазиятга тўғри баҳо бера олмадик, миллатлараро можарони олдини ололмадик.

Мен социал-иқтисодий муаммолар юзага келган низонинг сабабидир, деб кўрсатишга уринаётган кишилар фикрига батамом қўшила олмайман, деб уқтирди Г. Котоврасов.

Энди пахта яккаҳокимлиги ҳақида гапирмоқчиман. Биз ҳалққа биров бақириб-чақириб турганда, бошқалар ишлаётганини тушунтириб бера олмадик. Бу йил областда пахта майдони 11 минг гектар камайганлигини ва бу ишнинг бошланиши эканлигини областдаги аксарият кўпчилик билмайди. Бўшаб қолган ерлар боғларга, узумзорларга айлантирилмоқда, озуқа экинлари экилмоқда. Аммо бизнинг мафкуравий жангчиларимиз омма орасига кириб, ана шу янгиликларни айтишдан ҳам чўчиб юрибдилар. Бунинг сабаби бор, албатта: уларнинг тайёргарлиги суст, ўткир саволларга жавоб бера олмайдилар. Ҳозир биз аҳволни ўнглаб оляпмиз. Кенг ошкоралик принципларига таяниб, маҳаллаларда кварталларда, корхоналар ва хўжаликларда иш олиб боришга ҳаракат қиляпмиз.

Энди месхети туркларига ҳақида икки оғиз сўз. Областимизга уларнинг вакиллари бир неча бор келишди. Менинг фикримча, уларни қайтариш керак, лекин бу навбатдаги шошма-шошар лик билан қилинган иш бўлмаслиги лозим. Бу жуда муҳим, принципиал сиёсий иш эканлигини уқиб олиш даркор. Нима қилиш керак? Туркlар жамоа бўлиб яшаш учун кўп қаватли уйлардан берсангиз, дейишяпти, уларнинг фикрича, шундай қилинса, ҳуқуқ-тартибот органлари бу уйларни назорат қилиб тура оладилар. Бу ўринда анча чигалликлар бор, ўйлаб кўришимиз керак... Месхети туркларининг қайтиб келиши туфайли яна можаро чиқиб кетмаслигига ишончимиз комил бўлиши лозим.

Кескинликни бартараф этиш, аҳволни барқарорлаштириш, одамларга ишонч бахш этиш асосий вазифадир, деб ҳисоблайман. Агар биз бунга муваффақ бўлмасак, сиёсий раҳбар сифатида сариқ чақалик обрўйимиз бўлмайди.

...Фарғонада осойишталик барқарор бўлгандай. Аммо областдаги кўп кишиларнинг юраги зирқираб турибди. Чин ҳақиқатни рўёбга чиқариб ва қонун ғалабасига эришибгина барчани тинчлантириш мумкин. Ҳозир бир-бирига айб тақайдиган вақт эмас. Ақл-идрок жиловсиз ҳис-туйғулар устидан ғолиб келаверсин.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ махсус мухбири.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

«БИЗНИНГ АНКЕТА»ГА ЖАВОБЛАРДАН САТРЛАР

● Мен газетанинг ҳар бир сонини эътибор билан ўқийман. Унда ёш оилаларнинг бузилиб кетиш сабаблари ёритилса, Кооператорларнинг нотўғри ишларини, безорилар, чайқовчиларнинг башарасини очиб ташланг. Иложи бўлса, уларни суратлари билан беринг. Халқ кўриб ва билиб қўйсин бу текинтомоқларни.

А. БАҲРИДДИНОВ,
Узбекистон райони, уруш ва меҳнат ветерани.

● 1990 йил учун обуна бўлишга иккиланиб турибман. Мен каби бутун посёлка обуначилари, қолаверса, Бўстонлиқ район мухлислари ҳам ҳозирча иккиланиб туришибди. Нега дейсизми? Гапим қуруқ бўлмасин учун мисол келтираман. 26, 27, 28 июль кунлари чиқарилган газеталарни 30 июлда олдим. 1 август куни яна почта келмади. Ахир, район алоқа тармоғининг раҳбарлари Ускенбоев, Аҳмедов ўртоқлар қаёққа қарашяпти? Тошкент — Ғазалкент йўлида жойлашган Товоқсой, Озодбош посёлкаларининг обуначилари нега энди Тошкентдаги республика газета-журналар экспедицияси раҳбарларининг ўзбошимчаликлари туфайли вақтли матбуотни куннинг биринчи ярмида олиш имкониятидан маҳрум бўладилар?!

Р. КЎЧАРОВ,
Бўстонлиқ райони, пенсионер.

● Совет халқи қарийб 71 йил иноқ яшаб келаётган эди. Бугунги кунга келиб, бу миллатчилик ғоясидан пайдо бўлди? Журналистлар бу масаланинг илдиз-илдизига чуқур кириб боришлари керак. Сабаблари очиб ташлансин.

Истагим шуки, арвоҳларни ҳадеб қўзғатаверманг, масалан, ВКП(б)га 29 йиллик раҳбарлик қилган Сталинни ҳам.

Т. ПИРОВ,
Жума шаҳри, пенсионер.

● Ҳозир ишдан кўра, гап кўпайиб кетди. Партия аъзолари кўпроқ соҳада ва савдо соҳасидаги нуқсонларни очиб ташлашда фаол иштирок этишлари керак.

Қурилаётган уйлар тез, лекин нозо битяпти. Худо Арманистон зилзиласидан сақласин. Шундай экан, бинокорлик мавзуини чуқурроқ, танқидий кўз билан ёритинг. Маъмурий-буйруқбозликни аямай фош этинг, ўқувчилар хат-хабарларига кенгроқ ўрин берилсин.

Н. ТОҒАЙНАЗАРОВ,
Гагарин райони, ишчи.

● Совет турмуш тарзи

КЎЧАТ УНГАН ТУПРОҚ

Замонанинг зайли билан бухоролик Акромжон Худойқулов Украина ССРнинг Винница область Шаргородский районидаги Рахни Лесовне қишлоғида жойлашган совхозга келиб шу-шу бунда меҳмон эмас, ўғил бўлиб яшаб қолди.

Акромжоннинг опаси — Тўхта холанинг ҳеч эсидан чиқмайди. Ўғли Украинадан онасига шундай деб хат ёзган эди: «... ойижон бунда бахтимни топдим, тўйга келинг». Онанинг юраги хаприқиб кетди. Наҳотки... Орқаворотдан ўғлига не-не қизларни кўрсатмовди-я, ахийри... Майли, ахир келини билан у эмас, ўғли яшайди-ку. Ҳамма ҳам суйган ошини ичади-да. Она йўлга ҳозирлик кўрди. Совға-салом олди. Ўғиллари Сувон ва Турсунни, қизи Хурсанойни олиб Украинага жўнади.

Ғаля билан Акромжоннинг тўйини ўтказиб Бухорога қайтадиган куни ўғли онасига юзланди: «Шу ерда қолиб ишламоқчиман, ойижон. Қани бир ўзимни синаб кўрайчи...» Очиғи онаси ҳам, Акромжоннинг ўзи ҳам қардош ўлкада бунчалик қолиб кетади, деб ўйлашмаганди. Мундоқ қараса, шунга ҳам қарийб 29 йил бўляпти...

Акром Худойқулов қардош Украина ерларида туп қўйиб, палак ёзди. У ёшлигида танлаб, ўқиб-орттирган ҳунари — механизаторлик касби бу ерда ҳам жуда қўл келди. Аввалига ер ҳайдади, борона қилди, экди. Йиғим-теримнинг олдида бўлди. Кейинроқ бориб совхознинг курилиш бригадасида ишлай бошлади.

— Акром ниҳоятда камтарин йигит, — дейди меҳнат ветерани Г. Хоменко. — Қишлоғимизда ишчилар учун 8 та уй, боғча, ётоқхона, устахона, гаражлар қурилди. Ҳар бир қад кўтарган бинода унинг захматли меҳнати бор.

Қолаверса, ўзбек йигити Акром Худойқулов хизмат қилаётган 9-Кавказ дивизияси номли совхоз Иттифоқда ниҳоятда машҳур. Унда етиштирилаётган маҳсулотлардан намуналар халқ хўжалиги ютуқлари Бутуниттифоқ ва халқаро кўргазмаларига қўйилган ва муносиб тақдирланган. Ҳозирда Худойқулов совхознинг 2-боғ бўлимида меҳнат қилмоқда. Мевали дарахтларни парвариш қилиш ва уларнинг ҳосилини жойларга ташишда жонбозлик кўрсатмоқда. У билан ёнма-ён меҳнат қилаётган ҳамкасб ўртоқлари — Николай Пирос, Павел Богутенко билан оиласий борди-келдилари бор. Дўст-биродар бўлиб кетишган.

Акром Худойқулов социалистик мусобақа илғори сифатида район ижроия комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган куни уйида бўлдим. Уни табриклаб келган украин дўст-биродарлари қаторида шу районда истиқомат қилаётган бухоролик шофёр Неъмат Ҳамдамов, андижонлик ишчи Жалил Раҳматовлар ҳам бор эдилар. Булар бирга бўлишганда Ўзбекистонни қўмсаётганликларини бир-бирларидан яширишолмади. Ўзбекистон ҳақида қўшиқлар куйлашади, севимли ўзбек таомларини пиширишади...

Акром ҳам, унинг онаси ҳам Украинада уни бунчалик кўп қолиб кетади, деб ўйлашмаганди. Ўзбек ўғлони қардош Украинада Ўзбекистон кишиларидек меҳрибон, самимий одамлар даврасида экан, машҳур ўзбек шоири М. Шайхзода айтганидек, кўчат униб вояга етган тупроқ унинг Ватанидир. Ёхуд Акром икки қардош халқ фарзандидир.

А. СТЕПАНЕНКО,
Украина ССР.

● Редакция аралашгандан сўнг

ЎҚУВЧИ РАНЖИМАСИН

Ургут районидаги Крупская номли колхоз аъзоси Э. Мамадалиевнинг редакциямизга йўллаган шикоят хатида хўжаликда 1989 йил учун газета-журналларга обуна қилиш қондалари бузилганлиги баён қилинган эди.

Газетхон аризаси юзасидан текшириш ўтказган УРГУТ РАЙОН ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобдан маълум қилинишича, шикоятда кўрсатилган фактлар текширишда тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам айрим мутасадди кишиларнинг айби билан 1989 йил учун газета-журналларга обуна қилиш қондалари бузилганлиги аниқланди. Бунда колхоз бухгалтери Э. Жўраев, кассир Т. Жумановлар айбли, деб топилиб, колхоз правлениеси қарори билан вазифаларидан четлатилдилар.

Текшириш жараёнида обуначилардан ортиқча олинган пуллар эгаларига қайтариб берилди. Газета-журналлар ўз вақтида обуначиларга етказиб берилмоқда.

Текшириш якунлари район халқ контроли комитети мажлисида муҳокама қилинди. Камчиликларга йўл қўйганликлари учун колхоз раисининг маданий ишлар бўйича муовини О. Хўжамовага ва бош бухгалтер К. Қурбоновга ҳайфсан эълон қилинди.

«Совет Ўзбекистони»га обуна бўлишни унутманг!



Романтан районидаги Иби Сино номли совхозининг Норбой Назаров бошлиқ бригадаси бу йил 90 гектар ерга пахта экиб, унинг ҳар гектаридан 35 центнердан хом ашё олиш мажбуриятини олди.

Суратда: моҳир механизатор Одил Шарипов (чапдан), олдинги звено бошлиғи Бибиражаб Каримова ва бригада бошлиғи Норбой Назаров.

Ҳ. ҚУРБОНОВ суратн.

ҚЎҚОНДАГИ СУД МАЖЛИСИДА

ҚЎҚОН (Фарғона области). 23 август. (ЎзТАГ мухбири). Июнь ойида Фарғона областида бўлиб ўтган тартибсизликлар юзасидан бошланган биринчи суд мажлисида бугун айбланувчи сўроқ қилинди, жабрланувчилардан бир қисмининг кўрсатмалари эшитилди.

Илгари хабар қилинганидек, Ленинград районидаги Катта Қашқар қишлоғида яшаб ҳеч қаерда ишламай юрган 20 яшар Ҳабибулло Абдураҳмонов Фарғона область суди коллегияси (раислик қилувчи — С. Йўлдошев, маслаҳатчилар — инженер А. Қодиров ва товаршунос М. Ражабова) олдида жавоб бермоқда. Уни адвокат М. Омонов ҳимоя қиляпти, шаҳар прокурори М. Жўраев айбномани қувватламоқда.

Терговчилар Абдураҳмонов Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг олтита моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этган: оммавий тартибсизлик келтириб чиқарган, қурол ва ўқ ўғирлаган, ички ишлар органлари ходимларининг ҳаётига қасд қилган, транспорт воситасини олиб қочган, йўл-транспорт ҳодисасини келтириб чиқарган ва талончилик қилган, деб ҳисобламоқда. Судланувчи оммавий тартибсизликни ташкил этишдан бошқа ҳамма айбларига иқрор бўлди. Айбланувчининг кўрсатмаларидан ва жабрланувчиларнинг гапларидан қуйидаги манзара намоён бўлди.

7 июнь куни у «Қўқондаги қариндошларинигина бориш учун автобус кутиб турганда» шу ердан ўтиб кетаётган ва одам тўла «юк машинасига ўтиришга мажбур қилишди». Пичоқ билан қуролланган икки киши, ҳамма вокзалга борсин, у ердан месхети туркларини жўнаб кетишмоқчи: «биз уларни боплаб кузатиб қўямиз» деб буюрди. Бироқ шаҳарда бир гуруҳ милиционерлар — беш киши уларнинг йўлини тўсди, ҳозир маълум бўлишича, ўшанда уларга ўқ отиш қаттиқ тақиқлаб қўйилган экан.

Қатағончилар ана шу мард одамларга ҳужум қилишди, биринчи бўлиб «юк машинасига зўрлаб ўтқазилган» Абдураҳмонов ҳужум қилди. У «ур милицияни!» деб бақириб, участка инспектори Р. Сувонқуловга ташланди ва унинг бошига, бўйнига урди. Милиционер боши лат еб йиқилди, оломон уни калтаклаётган пайтда Абдураҳмонов милиционернинг тўппончасини ва икки обойма ўқини олди. Милиционер Н. Бекматов ўртоғига ёрдамга етиб келди, у ҳаммани тарқалишга ундади, лекин бўйнига темир таёқ тушиб йиқилди. Судланувчи: мен риштонликман, у ерда милиционерлар акамни ўлдиришди, энди мен сени ўлдираман, деб бақириб, тўппонча тепкисини бир неча бор босди. Лекин ўқ отилмади: тўппончанинг мурвати буралмаган эди. Шундан кейин Абдураҳмонов калтаклаётган участка инспекторини мўлжалга олиб, уни отмоқчи бўлди, лекин яна ўқ отилмади.

Кечқурун ҳаммани «дуч келиб қолган» юк машинаси уйига элтиб қўйди. Эртасига Абдураҳмонов оломон билан яна Қўқонга келди. Айтишича, уни яна «машинага ўтиришга мажбур қилишган» эмиш. Шунга қарамай, Қўқонга келгач у нон олиш учун келган граждан К. Буренковнинг (ҳозир у қаттиқ лат егани учун касалхонада ётибди) ИЖ — планета мотоциклини эгаллаб олади. Уч кишли мотоциклга ўтириб, (Абдураҳмонов рулни бошқаради) шаҳар бўйлаб юрадилар...

Бу қуролли кишилар нималар қилганлигини батафсил гапириш анча вақтни олади, очиғини айтганда унинг гапларини такрорлаш жуда оғир. Бу воқеалар ҳақида матбуотда ёзилган. Ҳабибулло ўша куни кечқурун мотоциклда уйига қайтади. Қишлоқлардан биридан ўтаётиб велосипедда кетаётган 15—16 ёшлардаги М. Абдураҳмонов деган йигитчани босиб кетади, жабрланувчи суд мажлисида сўзга чиқди, у энди мажруҳ бўлиб қолган — боланинг оёғини кесиб ташлашган...

Абдураҳмонов тўппончани ҳовлисидаги сомон ичига яширади.

Лекин эркинликда кўп юрмади, тергов оператив иш олиб борди. 11 июнда Абдураҳмонов шубҳа остига олиниб сўроққа чақирилди, икки кундан сўнг ушлаб турилди, яна икки кундан кейин қамоққа олинди.

Суд қандай тугашини башорат қилмай ўз фикримизни айтмоқчимиз. Айбланувчи судда ҳамма воқеалар ҳақида, ўша даҳшатли кунларда қилган ишлари тўғрисида очиқ-ойдин гапириб тўғри қилмоқда. Суд унинг «ур милицияни» деб бақирганини тартибсизликка чақириш, деб ҳисоблайдими? «Тасодифий» юк машиналарига мажбур қилиб ўтказилганига ишонармикан, чунки, «мажбур қилиб ўтказилган» йигит кейин шу қадар тажовузкорлик билан ҳаракат қилган.

Ҳукм чиқарилишини кутамиз.

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ЯГОНА ТИЛ БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ

Шу кунларда тиллар ҳақида, шу ҳақдаги Қонун лойиҳаси тўғрисида кўплаб мунозаралар бўлмоқда. Хўш, аслида бу тил муаммоси қандан пайдо бўлди? Бунга зарурат бормиди? Менимча, зарурат йўқ деб ҳисоблайман. Чунки одамлар, айниқса қишлоқ жойларида яшовчи кишилар рус тилини ўрганиш ҳақида ўйлайдилар. Бунга эса мустақил ўқиб-ўрганишдан бошқа ҳеч қандай шароит йўқ. Мен ўзбек тили ва маданиятини сақлаб қолиш ҳамда бойитиш тарафдориман. Бироқ СССРда ягона тил — рус тили давлат тили бўлишини истайман. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши тил ўрганишдан қочувчи баъзи бир кишиларни рағбатлантиради, холос.

Тил бўйича тортишув халқлар ўртасида низо келтириб чиқаради, деб ўйлайман.

Шу йил 23 июль куни республика радиоси «Оқшом тўлқинлари» программасида бир журналист «Лойиҳанинг 3-моддасида рус тили миллатлараро алоқа тилидир, дейилган. Шу моддани ўзгартириб, «Рус тили республикамиздан ташқарида миллатлараро алоқа тилидир. Ўзбекистонда давлат тили ва миллатлараро алоқа тили ўзбек тилидир» деб ўзгартиш лозим» деган таклифни ўртага ташлади. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Ҳар бир республика ўз тилини давлат тили деб қонунлаштирса, ўзга республикаларга борганда таржимон олиб юришимиз керак эканда?

Мен лойиҳанинг 3—13-моддаларини тўла қувватлайман. Журналист фикрига қўшилмайман. Шу эшитиришда яна «Аэропортлардаги ёзувлар рус тилида битилган» деб ваҳима қилишди. Туркманистонда туркманча, Арманистонда арманча ёзилса, биз боргудек бўлсак, ўз мамлакатимизда чет эллик сайёҳга ўхшаб қоламизку?! Шу жиҳатдан аэропортларда ёзувлар русча ёзилгани маъқул. Зарур бўлса ҳар бир республиканинг ўз тилида қўшимча ёзиб қўйилиши мумкин.

Ҳ. ҲАКИМОВ,
Яккабоғ районидаги С. Айний номли 24-мактаб директори.

• САНЪАТИМИЗ АРБОБЛАРИ

КУЛГИ СЕҲРГАРИ

Шундай комик артистлар бўладики саҳнага чиқиб, индамай турса ҳам томошабин кулаверади. Гапирса ҳам, гапирмаса ҳам, юрса ҳам, юрмаса ҳам гурра-гурра кулги...

Шу баҳона аввал кулги тўғрисида жиндек гаплашайлик.

Бинойидек давраларда ҳазил-ҳузилларга аралашиб юрган баъзи ўртоқларимиз амал курсисига ўтиргандан кейин кулишни ўзларига ор биладилар. Кулса, гўё обрўси тўкилиб кетадигандек. Шу тариқа у узоқ йиллар амалдор бўлиб, охири қариб, пенсияга чиқади. Энди орқаси амал курсисидан узилган. Яна давраларга кириб ҳазил-мутойибаларга аралаша бошлайди. Кулмай ўтказган йилларига пушаймонлар ейди. Бутун бир умрни маза қилмай, яйрамай, ичида тўпланган ғуборларни чиқариб ташламай яшаганини сезади. Энди куч-қувват кетган, қарсиллатиб кулолмайди. Бир амаллаб кулса худди йиғлаганга ўхшаш овоз чиқазади.

Кулги одам боласига бир эҳтиёж. Кулги— соғломлик, кулолмаслик — хасталик аломати. Марҳум оқсоқолимиз Йўлдош Охунбобоев «Соғ одам кулади» деб бекорга айтмаган.

Замон ниҳоятда жиддий. Одамлар асабий. Қаердадир атом бомбаси портлаган, қаердадир сел қанчалаб одамларнинг ёстиғини қуритган, қаердадир одам одамни отяпти, қаердадир ер қимирлаган, минг-минглаб одамлар тупроқ тагида қолган, қаердадир кимёвий қуролдан сон-саноқсиз одам заҳарланган, бу томонда Орол қурияпти...

Бу гаплар фақат газета саҳифаларидагина эмас, телеэкранда-рангли тасвирда ҳам кўрсатиляпти. Экранда ўлимларни, ёнғинларни, қирғинларни кўрган томошабин кечалари алаҳсираб чиқади. Эртасига у тажанг, асабий бир кайфиятда хизматга боради.

Кинода уруш, театрда уруш, телевизорда уруш...

Одамлар кулгини унитиб қўйишяпти.

Мабодо бирон театрда комедия қўйилгудек бўлса залга одам сиғмай кетади. Комедия баҳона икки соатгина олам ташвишларини унутиб, таранг тортилган асабларини бир оз бўшатиб олади.

«Олтин девор» комедияси саҳнага чиққанига йигирма йилдан ошди. Ундан кейин ёзилиб саҳнага чиққан жиддий асарлардан ўттиздан ошиғи беш-тўрт мартадан ўйналиб, саҳнадан тушиб кетди. Улар қанақа асарлар эди, кимлар ўйнаган эди, кимлар ёзган эди, аллақачон одамлар унутиб юборишган. Аммо «Олтин девор» кечагина саҳнага чиққандек яшаяпти. Бу нимадан? Кулгига чанқоқликдан.

Чўлпоннинг ўттизинчи йилларда «Гулистон» журналида «Қизиқлар» деган бир мақоласи босилган эди. У республикамизда яшаб ўтган ва барҳаёт қизиқчилар тўғрисида ажиб бир завқ билан ёзган эди. Йигирманчи-ўттизинчи йилларда Ҳамза номидаги академик театрида бениҳоя талантли комик артистлар бўларди. Улардан бири Ҳожи Сиддиқ, бири Миршоҳид Мироқилов эди. Чўлпон бу санъаткорлар тўғрисида ёзаркан, Ҳожи Сиддиқ ўлимига бир неча дақиқа қолганда ҳам Мироқиловга ҳазил қилиб ўзи ҳам кулиб, уни ҳам кулдирганини айтган эди.

Бугунги кунда халқимизга астойдил хизмат қилиб келаётган ажойиб, ёқимтой артистимиз Ғани Аъзамовдир.

Ушбу мақоланинг бошида айтилган биринчи сўз шу санъаткорга тааллуқлидир. Аъзамов саҳнага чиқиб индамай турса ҳам залда гурра-гурра кулги бўлаверади.

«Олтин девор» йигирма йилдан ортиқ саҳнада дедик. Мана шу Ғани Аъзамов бош ролни ўйнамаганда спектакль шунча умр кўрармиди? Менимча, йўқ. Нега? Негалиги шуки, Эркин Воҳидов асардаги Мўмин ролини айнан Ғани Аъзамов учун ёзган эди. Аъзамовнинг ижодий имкониятларини ҳисобга олиб, юришини, гапиришини, ҳаракатларини кўз олдига келтириб туриб ёзган эди.

Ғани Аъзамов театрда ўтказган олтмиш йил давомида юзлаб ролларни ўйнади. Ўйнаганда ҳам қойил қилиб ўйнади.

Мен уни биринчи марта ўттиз бешинчи йили Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» пьесасида колхоз секретари Ақилмирза ролини ўйнаганда кўргандим. Ана ўшандан бери унинг мухлиси бўлиб қолганман. Эллик йилдан ошибдики, ҳамон ўша роли кўз олдимдан кетмайди. «Қалтис ҳазил»даги қоровул Мамарасул роли даҳшатли уруш йилларида юраклари ғам-андуҳдан пора-пора бўлганларга бир мадор бўлганди.

Уни юздан ортиқ асарда роль ўйнади, дедик. Шундан беш-олтитасигина бош роль бўлган бўлса бордир. Аммо тўқсонга яқини саҳнада бир ё икки марта кўринадиган роллар. Ғани Аъзамов мана шунақа кичкина ролларда талантини намойиш қилган. Томошабин бош ролни ижро этган артистни унутардию, атиги икки марта саҳнада кўринган Аъзамовни унутолмасди. Гаплари қулоғига қуйилиб қоларди. Бир неча кун у айтган гапларни такрорлаб юрарди.

«Бой ила хизматчи» спектаклида Аъзамов икки марта кўринади. Фақат «дунёйи бо умид, таъзияни ташлаб келгандик» дейди. Шу холос. Аммо томошабин таъмагир одамларни масхара қилганда худди шу гапни айтади.

«Қалтис ҳазил»да у бошдан оёқ иштирок этса ҳам фақат битта гапни такрорлайди. У айтмоқчи бўлган гап охирига етмай қолади. «Воскресний бозорида жужурлик қилганимда...» Шу. Бошқа гап йўқ. Ана шу яримта гапи билан у бутун спектаклни ёритиб туради.

Бирон хонадонга келин тушса хотинлар «келин мунча совуқ, бор-йўқлиги билинмайди», ёки «мунча исталалик экан, бир ҳовли бўлиб юрипти» дейишади.

Чинакам санъаткор ҳам бир ўзи саҳнани тўлдириб юриши керак. Машҳур артист Аброр Ҳидоятов саҳнага чиққанда орқасида декорация бор-йўқлиги билинмасди. Фақат ўзи кўринарди.

Ғани Аъзамов ҳам шунақа. У саҳнага чиқиши билан томошабиннинг икки кўзи унда бўлади. У гўё томошабинни сеҳрлаб қўяди. Қулоғини қашиса ҳам, пешонасини уқаласа ҳам кулги бўлаверади.

Марҳум СССР халқ артисти Раҳим Пирмуҳаммедов ҳам шунақа эди. У кинода ҳеч қачон бош роль ўйнамаган.

Биринчи ўзбек овозли киноси «Қасам»даги ялангоёқ милиционерни, «Алишер Навоий»даги ошпаз Абулмаликни, «Ибн Сино»даги табибни, «Маҳаллада дув-дув гап»даги хўжалик мудири образларини эсланг. Булар бир неча дақиқа экранда кўринади, холос. Аммо умр бўйи эсда қоладиган ажойиб образлардир.

Мана шу ажойиб санъаткор бирон комедияда бош роль ўйнашни орзу қилиб ўтиб кетди. Кўпинча бизникига келиб мени комедия ёзишга даъват қиларди. Кинода тажрибам йўқлигидан у кишининг илтимосини бажара олмаган эдим. Жаҳоннинг энг машҳур киноартистлари билан беллашадиган бу санъаткор олдида қарздор бўлиб қолганимиздан ўксинамиз.

Ғани Аъзамов ҳам кўпдан бери, мен ҳам бирон асарда бош роль ўйнасам яхши бўларди, деб орзу қиларди. «Олтин девор»даги Мўмин образи унга қанот берган эди. Мен Ғани ака учун махсус «Куёв» пьесасини ёздим. Асар қаҳрамонига ҳам Ғанивой деб ном бердим. Бу санъаткорнинг жами ижодий имкониятларини ишга солишни ният қилдим. Пьеса битгунча неча марталаб ўзига ўқиб бердим. Пьеса битиб, репетиция пайтларида ҳам у кишидан қутулмасдим. Манаву сўзга жиндек қўшинг, манаву сўзни калта қилиб беринг, деб туриб олаверди. Охири бир куни қўлига пьесани бериб, ўз ролингизни ўқинг, оғзингизга қараб гапларингизни тузатаман дедим. Яхшиям шунақа қилган эканмиз, ёзган гапларим унинг оғзидан бошқача жонли, оҳангли, кулгили бўлиб чиқаверди. Шу тариқа Ғани образига жон бағишладик.

Кейинги пайтларда комик артистлар сафи аста-секин кенгайиб бормоқда. Марҳум, бениҳоя талантли комик артист Ҳасан Йўлдошев кўп жиҳатлари билан Ғани Аъзамов услубига яқин ижод қиларди. Томошабинлар меҳрини қозонган Обид Юнусов, Эргаш Каримовлар устоз санъаткор Ғани Аъзамов сабоқларидан баҳраманд бўлганлар.

Халқимизнинг севимли артисти Ғани Аъзамов бугун ўзининг саксон ёшлик умрини нишонлаяпти. Мана шу саксон йилдан олтмиши саҳнада юз минглаб томошабинлар кўз олдида кечди.

Уни севган, санъатини ардоқлаган ихлосманд томошабинлар кўпинча бир гапни афсус билан таъкидлашади.

Олтмиш йил давомли қарсаклар билан, гурра-гурра кулгилар билан юзлаб образ яратган севимли артистимиз ақалли бирон марта тақдирланмади. Унинг ўнлаб шогирдлари кўксини қатор-қатор орденлар безади. Тенгдошларининг костюмлари орден кўплигидан бир томонга оғиб кетадиган бўлди. Аммо Ғани Аъзамов дўстларининг мукофотларидан қувониб юраверди...

Гап мукофотда эмас, албатта. Ҳар қалай қилган яхши хизматларинг тақдирланса, руҳинг кўтарилади. Мен ҳам тақдирга лойиқ бир иш қилибманку, деб ўзингни юпатасан.

Ҳурматли Ғани ака!

Халқ меҳридан баланд мукофот бўлмайди. Сиз ана шу мукофотга сазовор бўлган бахтли артистсиз. Залдаги тўхтовсиз қарсаклар, деворларни зириллатадиган кулгилар сизни аллақачон лауреат қилиб қўйган.

Биз санъаткорлар сиздек ажойиб артистимиз борлигидан ғурурланиб юрайлик. Сиз эса санъат қадрини биладиган халқингиз борлигидан қувониб яшайверинг.

Қувноқ кулгилар, бир-бирига уланиб кетадиган олқишлар ҳамроҳингиз бўлсин, ҳурматли Ғани Аъзамов!

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ҲАВО МУСАФФО БЎЛСИН

Самарқанд шаҳар Совети депутатлари ва хўжалик ҳисобидаги «Эко» илмий маркази ходимлари Самарқанд шаҳрида ҳавонинг кескин ифлосланганлигини аниқладилар. Одамлар саломатлигига зарар етмоқда, болалар касалланмоқда. Кўп ҳолларда ўткир аллергик касалликлар ривожланиб бораётир. Қадимий шаҳарнинг ифлосланишига автотранспортдан чиқаётган газлар сабаб бўлмоқда. 77 процент азот, углеводород ва бошқа нарсалар ҳавога чиқарилмоқда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш давлат инспекцияси ходимлари ҳар куни текширув ўтказмоқдалар. Нормани бузган ҳайдовчилар жазога тортилмоқда.



Суратда: республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитети Самарқанд бўлими инспектори Лилия Султонова таксомотор паркида.

Р. Ғафуров сурати (ЎзТАГ).

ОЧИҚ СУД МАЖЛИСИ

СССР ОЛИЙ СУДИДА ХУДОЙБЕРДИЕВ ИШИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БОШЛАНДИ

24 август куни СССР Олий судида айбномани ўқиб эшиттириш билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ раиси Н. Худойбердиев иши устидан суд мажлиси бошланди. Унга 7 марта — жами 25 минг сўмлик пора олиш ва 50 минг сўмлик пора бериш хусусида айб қўйилган. Иш СССР Олий судининг аъзоси С. Ф. Савкин раислигида халқ маслаҳатчиларидан Л. А. Савельев ва К. А. Амосов иштирокидаги очиқ суд мажлисида кўрилмоқда. СССР прокуратураси бошқармасининг прокурори В. П. Левицкий давлат қораловчисидир. Судланувчини Москва шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси Г. М. Резник ҳимоя қиляпти.

Дастлабки тергов материалларидан шу нарса равшанки, 1983 йилнинг 27 апрель куни Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси социалистик мулкни талон-торож қилишга қарши кураш бўлими бошлиғи А. Музаффаров 1000 сўм миқдорида пора олаётганида ушланганлиги муносабати билан жиноий иш қўзғаган эди. Шундан кейинги тергов қуйидагиларни кўрсатди: Бухоро областининг ички ишлар органларида, савдо ва таъминот шохобчасида порахўрлик, бошқа ғаразли мақсадларда қилинган жиноятлар жуда илдиз отиб кетган экан. СССР прокуратураси мазкур ишни ўз ихтиёрига олди. Шундан кейинги тергов жараёнида Музаффаров билан бир қаторда республика партия ва совет органларининг, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг масъул ходимлари, Ўзбекистондаги бир қанча областлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ва Бухоро шаҳар ички ишлар бошқармасининг бошлиғи бошқа раҳбар ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Шулардан бири Н. Худойбердиевдир, у 1971—1984 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси бўлиб ишлаган. Айбномада қуйидагиларни ўқиймиз: «Худойбердиев... масъул мансаб мавқеидан ҳамда хизматга оид масалаларни ижобий ҳал этишга таъсир кўрсата оладиган бошқа вазиятлардан фойдаланиб, 1973—1982 йиллар мобайнида хизмат юзасидан ўзига тобе бўлган ходимлардан, шунингдек Ўзбекистон ССР партия ва совет органлари раҳбарларидан, бошқа мансабдор шахслардан ишда ёрдам берганлиги, ҳомийлик қилганлиги ва қўллаб-қувватлаганлиги учун бир неча марта пора олган. Бундан ташқари, худди шундай хатти-ҳаракатлар қилгани учун унинг ўзи юқоридаги масъул мансабдор шахсга ҳам пора берган». Бу «шахс» СССР ички ишлар министрининг собиқ биринчи ўринбосари Ю. Чурбановдир.

Худойбердиев 1987 йилнинг февраль ойида қамоққа олинди. Айбномадан кўриниб турибдики, у биринчи кундан бошлабоқ, пора олиш ва пора беришда ўз айбини тан олди. Худойбердиев ўз қилмишини шарҳлаб, Ўзбекистонда порахўрлик кенг тарқалганлигини ва бу нарса республиканинг барча органларини қамраб олганлигини айтди. «Порахўрлик системасини Рашидов ташкил этган эди, бу жараёнга ҳеч кимнинг халал беришга қурби етмас эди, бу қадар нормал яшаш ва ишлаш учун юқоридаги раҳбариятга пора беришга тўғри келар эди».

Аммо шунга қарамасдан, дастлабки тергов материаллари шундан далолат бериб турибдики, Худойбердиев 1989 йил 3 май куни бўлган сўроқ вақтида «ўз айбини юмшатишни истаб, ўзининг илгариги кўрсатмаларини далил-исботсиз қисман рад этди». Суд мажлиси чоғида биринчи кун сўроқ қилинганида, у дастлабки тергов вақтида ўзи берган кўрсатмаларни батамом рад этди. Худойбердиев ўша кўрсатмаларни терговнинг тазйиқи остида айтганман, деб даъво қилди.

Хуллас, суд ҳақиқатни рўёбга чиқаради. Жиноий ишнинг бутун 15 жилди тадқиқ этилиб, барча далиллар синчиклаб текшириб чиқилганидан кейин суд ўз ҳукмини чиқаради.

Н. ДЕМИДОВ,
ТАСС мухбири.

Муҳаррир **У. УСМОНОВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудир: заҳарга қарши зардоблар (доктор, биология фанлари кандидати);
катта илмий ходим: биохимия (биология фанлари кандидати).
Конкурс муддати —эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.
Мурожаат учун адрес: 700084, Тошкент шаҳри, Тимирязев кўчаси, 37-уй. Телефон — 34-79-53.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Биохимия — **кундузги;** ўсимликлар физиологияси, генетика — **кундузги, сиртқи.**
ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШ МУДДАТИ — 30 августгача.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй. Телефон — 62-05-27.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ

фазавий ўтмиш иссиқлик физикаси лабораториясининг **етакчи илмий ходими** (физика-математика фанлари кандидати)
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КОНКУРС МУДДАТИ — 8 СЕНТЯБРГАЧА.

Ҳужжатлар конкурслар ҳақидаги Низомга мувофиқ қуйидаги адресга жўнатилсин: 700135, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, «Ц» квартали, «Правда» газетаси кўчаси, 28-уй.

●

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Йуллар ва транспорт министрлигининг «УЗИНТРАНС»
ХАЛҚАРО ЮК ТАШИШ АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ
СССРдан ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг аъзоси бўлган мамлакатларга, Хитой ва Ғарбий Европа капиталистик мамлакатларига юк ташиш бўйича Совет ва чет эл фирмаларига
ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ
Бажарилган иш учун — халқаро тарифларга кўра совет ва чет эл валюталари билан ҳақ тўланади.
Адрес: Тошкент области, Нариманов шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 25-уй.
Телефон — 90-36-03.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети, комсомол ва касаба союз ташкилотлари институтнинг кечки ва сиртқи бўлимлари бўйича ректор ўринбосари, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган маориф ходими, география фанлари кандидати, доцент
Галимжон Раҳимжонович АСАНОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети, жамоат ташкилотлари, шунингдек индустриал педагогика факультети коллективи ишлаб чиқариш асослари кафедрасининг доценти А. Усмоновга онаси
Зубайра ИСРОИЛОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари институтнинг кекса ходими, доцент
Саид Сададинович РУМИнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Журналистлар Союзи Тошкент ташкилотининг «Нур» ижодий уюшмаси правлениеси уюшма ходими А. Солиҳовга отаси
Аҳад СОЛИҲОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕҲАФТАЛИК

28 август, душанба

УзТВ-I. 16.00 Телефильм. 16.30 «Жиноят қидирув бўлими бошлиғининг ҳаётидан». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.30 «Колокольчик». 19.00 Қайта жиҳозлаш — давр талаби. 19.30 Қайта қуриш йўлидан. 20.00 Ахборот. 20.20 «Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси»ни муҳокама қиламиз. 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Чинор тагидаги дуэль». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Г. Гендель. Ля мажор концерто-гроссо. 9.25 Футбол шарҳи. 9.55 «Уруш арафасида». Бадиий фильм. 11.20 Ҳайвонот оламида. 12.20 Ҳужжатли фильм 16.05 М. Тарасова концерти. 16.55 Тошкент. Эски шаҳар этюдлари. 17.15 Мультфильм. 17.30 Онам, дадам ва мен. 18.00 Халхин-Гол тарих нуқтаи назарида. 18.45 Закарпатье жилолари. 19.15 Футбол шарҳи. 20.15 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 1-фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.05 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 1-фильм, 2-серия. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 И. Богачеванинг концерт—бенефиси.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 «Бир бор экан, бир йўқ экан». 1-фильм. 10.05 Концерт. 10.30 Итальян тили. 11.00 Ҳужжатли фильм. 11.20 Фильм-спектакль. 11.50 Э. Москвитина чалади. 12.05 Бу оламни ҳаяжонлантирмоқда. 12.20 «Тўрт танкчи ва ит». Бадиий фильм, 20-серия. 13.15 Ҳужжатли фильм. 13.45 СССР Давлат академик Большой театри скрипкачилари ансамбли чалади. 14.05 «Қирғоқ». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Африканич». Бадиий фильм. 18.45 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 19.15 От спорти. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари программаси 21.30 Время. 22.05 «XX съезд болалари». Бадиий-публицистик фильм, 1-серия. 22.55 Классик кураш. Жаҳон чемпионати. 23.40 Янгиликлар. 23.45 Волейбол. Халқаро турнир. Ярим финал. 00.30 Тонгги почта.

29 август, сешанба

УзТВ-I. 16.00 Атроф-муҳит муҳофазаси. 16.45 «Тонггача омон қолсак бўлгани». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.50 Объективда — қайта қуриш. 19.30 Ешлик. 20.00 Ахборот. 20.15 КПСС платформаси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.50 Эстрада калейдоскопи. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.30 Мақом кечаси.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Сибирь ашула ва рақс ансамблининг концерти. 9.35 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 1-фильм, 1 ва 2-сериялар. 12.00 Бу бўлган... бўлганди... 12.20 Ҳужжатли фильмлар. 13.20 Концерт. 16.05 «Адигион» ансамблининг чиқиши. 16.30 Ҳужжатли фильм. 16.50 Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади. 17.50 Мультфильмлар. 18.20 Спорт ва шахс. 18.50 Ленинакан: тикланиш хроникаси. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.00 1989 йил қўшиқлари. 20.15 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 1-фильм, 3-серия. 21.30 Время. 22.25 СССР ИИМ маълумотларидан. 22.15 Концерт. 23.05 Телеочерк. 23.35 Дунё воқеалари. 23.50 «Глория».

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 «Бир бор экан, бир йўқ экан», 2-фильм. 10.15 Концерт. 10.40 Француз тили. 11.10 Адабий ўқиш. 11.50 Ҳужжатли фильм. 12.05 Янгиликлар. 12.15 Ҳужжатли фильм. 12.25 «Тўрт танкчи ва ит». Бадиий фильм, 21-серия. 13.30 Француз тили. 14.00 Ритмик гимнастика. 14.30 Мультфильмлар. 15.30 Янгиликлар. 17.40 «Мана шундай мўъжизалар». Бадиий фильм. 18.45 Концерт. 19.30 Волейбол. Халқаро турнир. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Жаҳон студент ўйинлари. 21.30 Время. 22.05 СССР ИИМ маълумотларидан. 22.15 «XX съезд болалари». Бадиий публицистик фильм, 2 ва 3-сериялар. 00.05 Хоккей. СССР чемпионати.

30 август, чоршанба

УзТВ-I. 16.00 Болалар учун фильмлар. 16.45 «Ёз кунларидан бирида. Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Хайр боғча, салом мактаб. 18.40 Ешлик. 19.30 «Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасини» муҳокама қиламиз. 20.00 Ахборот. 20.20 Арманистон мусибати... 20.50 Ер ва диёр тароналари. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Бўстон.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.25 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 1-фильм, 3-серия. 10.55 Саёҳатчилар клуби. 11.55 Мультфильмлар. 12.20 Концерт. 13.10 Хоккей. СССР чемпионати. 16.00 Концерт. 16.25 Ҳужжатли фильм. 17.00 Музикали хазина. 17.35 Социология: саволлар ва жавоблар. 18.05 Концерт. 18.25 «Мангуликка айланган лаҳзалар». 19.00 Концерт. 19.20 Дунё воқеалари. 19.35 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.20 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 2-фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.05 «Икки ҳаёт, икки тақдир». 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 «Икки ҳаёт, икки тақдир» (давоми).

МТ-II. 9.05 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 10.15 «Заречная томонида». 10.40 Немис тили. 11.10 «Рус характери». 11.35 Ҳужжатли фильм. 12.05 Янгиликлар. 12.15 Немис тили. 12.45 Болалар учун фильм. 14.00 «Командировка». Бадиий фильм, 1-серия. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Альбомдаги варақ». Бадиий фильм. 19.05 Эрта тонгда. 19.25 Спорт программаси. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Жаҳон студент ўйинлари. 21.30 Время. 22.05 «Командировка». Бадиий фильм. 1-серия. 23.10 Ҳужжатли фильмлар. 00.05 Янгиликлар.

31 август, пайшанба

УзТВ-I. 16.00 Ўринбосарлар улгаймоқда. 16.55 Ўқитувчиларнинг август кенгашида. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.40 Тенгдошлар. 19.15 Социалистик қонунчилик ва демократия. 19.45 Ешлик. 20.00 Ахборот. 20.15 Сиз учун пойабзал. 21.00 Рақслар гулдастаси. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 22.55 «Тошкент» студияси кўрсатади.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Ҳужжатли фильм. 9.25 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 2-фильм, 1-серия. 10.35 Мультфильмлар. 11.15 Камалак. 11.45 Ҳужжатли фильм. 12.15 «Икки ҳаёт, икки тақдир». 16.05 Концерт. 16.40 Ҳужжатли фильм. 17.15 Мультфильмлар. 17.45 Ўқув йилининг бошланишига. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 «Импульс». 20.15 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 2-фильм, 2-серия. 21.30 Время. 22.05 Олам кинокамера кўзгусида. 23.00 Фильм-балет. 23.55 Дунё воқеалари. 00.10 Сизга манзур қўшиқлар.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳужжатли фильм. 10.25 Концерт. 10.50 Испан тили. 11.20 Фильм-концерт. 12.05 Янгиликлар. 12.15 Болалар учун фильм. 13.30 Испан тили. 14.00 «Командировка». Бадиий фильм, 2-серия. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Комиссар ҳақида достон». Бадиий фильм. 18.45 Мультфильм. 18.55 Футбол. «Помир» — «Спартак». 20.50 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 21.30 Время. 22.05 «Командировка». Бадиий фильм, 2-серия. 23.10 Янгиликлар. 23.15 Замонавий бешкураш. Жаҳон чемпионати.

1 сентябрь, жума

УзТВ-I. 15.00 Кинопрограмма. 16.00 Фильм-концерт. 16.20 «Мовий қуш». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Янги ўқув йили билан. 18.45 Рассом И. Турсунназаров. 19.30 Бугун — Билимлар куни. 20.00 Ахборот. 20.20 Илғор тажриба мактаби. 20.50 Камолот сари. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.30 «Инқилоб тонги». Спектакль.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Ҳужжатли фильмлар. 12.35 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 2-фильм, 2-серия. 10.50 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 11.20 Инсон институти. 12.20 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 13.05 Мультфильмлар. 13.40 Ўқув йилининг бошланишига. 15.10 Футбол. «Помир» — «Спартак». 16.00 Ҳужжатли фильм. 17.30 Қувноқ стартлар. 18.15 Киноконцерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Телеочерк. 19.50 Концерт. 20.10 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 2-фильм, 3-серия. 21.30 Время. 22.05 Бу бўлган... бўлганди... 22.25 «Нидо». 23.55 Мультфильм.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.10 Ўқув программаси. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Адабиёт. 9.55 Ҳужжатли фильм. 10.05 Инглиз тили. 10.55 Чет тиллар телевидение орқали. 11.40 Теварак-атроф билан танишинг. 12.05 Янгиликлар. 12.15 Инглиз тили. 13.05 Қувонч — бу қўшиқ. 14.00 «Командировка». Бадиий фильм, 3-серия. 15.15 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Учиш кечиктирилди». Бадиий фильм. 18.55 Концерт. 19.30 Мультфильмлар. 19.45 «Кўл бўйида». 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 Халқ куйлари. 21.30 Время. 22.05 «Командировка». Бадиий фильм, 3-серия. 23.20 Янгиликлар.

2 сентябрь, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Шанба экрани. 10.30 Спорт программаси. 11.30 Рассом ва китоб. 12.05 Истеъдод. 12.45 «Қора кўз». Спектакль. 14.15 Болалар учун фильм. 15.30 Объективда қайта қуриш. 18.00 Болалар учун фильм. 18.35 Ровесник. 19.25 Илмий-оммабоп программа. 20.00 Ахборот. 20.20 Арманистон мусибати... 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Ахборот. 22.20 «Садоқат». Бадиий фильм, 1-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 Уй академияси. 9.30 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 2-фильм, 3-серия. 11.00 Социализм мамлакатларида. 11.30 Ғолиблар. 12.30 Дунё воқеалари. 12.45 Илмий-оммабоп фильм. 14.00 Шанба ота-оналар куни. 15.15 Халқ куйлари. 15.30 Мультфильмлар. 15.45 Фотоконкурс. 15.50 Болалар учун фильм. 16.55 Концерт. 17.25 Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати. 18.00 Ўқитувчилар хорлари фестивали. 18.40 Халқаро программа. 19.40 «Ҳеч ким ўлишни истамади». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 «Одамлар ва манекенлар». Бадиий фильм 3-фильм. 23.05 Нима? Қаерда? Қачон? 00.15 Римда модалар байрами.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 Ҳужжатли фильм. 10.15 «Дивертимент». 10.30 «НТМ». 10.40 Хабаровск телевидениеси студия программаси. 11.50 «Муҳаббат чўриси». Бадиий фильм. 13.20 Концерт. 13.35 Мультфильм. 13.45 Концерт. 14.30 Телемузикали абонемент. 15.35 «Беъмани кун ёки Фидаронинг уйланиши». Телеспектакль. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Телеспектакль давоми. 18.55 Ҳужжатли фильм. 20.00 Музикали фильм. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 Время. 22.00 «Довюраклар майдони». Бадиий фильм. 23.20 Янгиликлар. 23.25 Замонавий бешкураш. Жаҳон чемпионати.

3 сентябрь, якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому-алайкум». 10.00 Оила даврасида. 10.40 Биргаликда куйлаймиз. 11.05 «Витта умр камлик қилади». Бадиий фильм. 12.30 Театр — болаларга. 13.15 Спорт программаси. 14.15 Қувноқ стартлар. 15.10 Техника ижодиёти мактаби. 15.55 Реклама. 18.00 Мультфильм. 18.20 «Қизиқчи—89». 20.00 Ахборот. 20.20 «Мовий олов кишилари». 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Садоқат». Бадиий фильм. 2-серия.

МТ-I. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Мультфильмлар. 13.30 Киноафиша. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Ҳужжатли фильм. 15.10 Камалак. 15.45 Болалик байрамлари. 17.25 Фотоконкурс. 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама 19.15 Мультфильм. 19.25 Концерт. 20.10 «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм, 3-фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 «Шайтоннинг ғилдираги».

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 «Довюраклар майдони». Бадиий фильм. 10.05 «Помир» учрашувлари. 11.15 Концерт. 11.30 Акс садо: ҳафтанинг воқеалари. 11.45 Замонавий бешкураш. Жаҳон чемпионати. 12.10 Мультфильмлар. 12.30 Ҳужжатли фильм. 13.30 Давр ҳақида ва ўзим ҳақимда. 13.50 Дирижёр Галина Кривошапко. 14.20 Агар сиз... 15.05 Ҳужжатли фильм. 16.05 Фильм-концерт. 17.05 Экранда Сибирь. 17.20 СССР ИИМ хабар қилади. 17.30 «Киносерпантин». 20.20 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Эркин кураш. Жаҳон чемпионати. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 «Киносерпантин». 23.05 Янгиликлар. 23.10 «Киносерпантин».

Р. — 11913. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. — 196. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12